



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ТАРИХ ЙЎНАЛИШИ**

**IV “Н” гуруҳ талабаси Юнусалиева Иноятнинг**

**“Уйғониш даври Марказий Осиё мутафаккирларининг  
сиёсий етакчилик тўғрисидаги қарашлари”**

**МАВЗУСИДАГИ**

**БИТИРУВ  
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:  
ўқитувчи Б.Б.Абдуллаев**

**Қўқон – 2011**

## Режа:

### Кириш

I боб. IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий таълимотларда сиёсий етакчиликка доир қарашлар

1.1. Абу Наср Форобийнинг жамият, уни бошқариш ва давлат раҳбари ҳақидаги қарашлари

1.2. Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг жамият, давлат ҳамда ижтимоий сиёсий муносабатлар назариясига қўшган ҳиссаси

1.3. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида давлат бошқаруви ва сиёсий етакчиликка доир қарашлари

II боб. XIV-XV асрларда жамият ва давлатни бошқариш илмининг ривожланиши

2.1. Амир Темурнинг давлатни бошқариш таълимоти

2.2. Алишер Навоий асарларида маърифатли, одил ҳукмдор ғоясининг олға сурилиши

2.3. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» («Яхши хулқлар») асарида амир, вазирларнинг ақлу фаросати, ўзини тутиши тўғрисидаги фикрлар

Умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар

## Кириш

Мустақиллик йилларида ўтмишда ўтган буюк сиймолар, алломалар, адиблар фаолияти ва илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданиятимиз тарихини, маънавий бойлигимизни чуқур билиш истиқлолни мустақамлашнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Шунга кўра, мустақиллигимиз берган тарихий имкониятлардан унумли фойдаланиб, «Аждодларимизнинг маданий-маънавий бойлигини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз даркор»<sup>1</sup>. Буни мамлакатимизда изчил кечаётган янгиланиш жараёни, шу жумладан, ёш авлоднинг инсоният даҳолари бўлган буюк аждодларимизга муносиб бўлиш йўлида тобора кучайиб бораётган интилишлари ҳам тақозо этади. Жамиятимизга ҳар томонлама баркамол, мустақиллик маънавиятига эга бўлган инсонлар зарур. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, «Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.»<sup>2</sup> Шу маънода аҳоли сиёсий онги ва маданиятни юксалтиришда мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топиш катта аҳамият касб этади. Зеро, «заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим.»<sup>3</sup> Битирув малакавий иш учун танлаб олинган **мавзунинг долзарблиги** ҳам шу билан боғлиқ.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995, 249-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь)-Т.: «Ўзбекистон», 2010, 16-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч., «Маънавият», -Т.; 2008, 41-бет.

Ёшларда мустақиллик маънавиятини тарбиялаш барча тарихий-маданий бойликларнинг асосий тамойилларини ўрганиш, маданиятимиз илм-фанимиз ривожини, унинг даврлари, тараққиёт қонуниятлари, маънавий бойликларни яратган буюк сиймолар меросини ўрганиш ва ўзлаштириш, бу масалалар бўйича кенг таълим-тарбиявий, илмий-тадқиқот ва ўқув-услугий ишларни олиб боришни талаб этади. Улар мустақиллик шароитида ёш авлодни миллий маданий бойликларни яхши билган, миллий ғурур, ватанпарварлик хисси билан йўғрилган, дунё маданий ривожланиш даражасидан хабардор бўлиб етишувида етакчи омил бўлиб хизмат қилади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик бизга бой ўтмишимизни, тарихимиз ва маънавий кадрларимизни ўрганиш имконини берди. Зеро, буюк келажакимиз халқимизнинг маънавий руҳий дунёсини имкон борича ҳисобга олишни талаб қилади. Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни хис этиш, маърифат ва маълумотга интилиш доимо халқимизга хос хусусиятлар бўлиб келган. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан Марказий Осиё мутаффаққирларининг асарларида берилган бўлиб, улар дунё илм-фани ва маданияти хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган.

Мустақиллик йилларида бу мероснинг турли жиҳатлари илм аҳли томонидан муносиб ўрганиб келинмоқда, кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган, китоблар, мақолалар чоп этилган<sup>1</sup>. Уларда илм-фан ва маданиятимиз ривожининг турли даврларида яшаб ижод этган буюк сиймоларимиз ва уларнинг илмий мероси, дунё илм-фан маданияти ривожига қўшган ҳиссалари, маданий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар таҳлил қилинади. Шу билан бирга мустақиллик йилларида аждодларимизнинг асарларини қайтадан нашр этиш ишига ҳам катта эътибор берилдики, бу мавзуга доир масалаларни ўрганишда катта аҳамият касб

---

<sup>1</sup> Хайруллаев М., Уйғониш даври ва Шарқ мутаффаққирлари. -Т., 1971, Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт (Уйғониш даври маданияти), «Фан», -Т., 1994, Мухитдинова Ф., Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи., Ўқув қўлланма, -Т., ТДЮИ, 2006, Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т., 2001, «Жамият ва бошқарув» журнали. 2010 йил, 4-сон, Сотволдиев С., «Сиёсатнома»да давлат бошқаруви коидалари., 2009 йил, 2-сон, Ўлжаев Ш. Раҳбар кадрларни тайёрлашда Амир Темур меросидан фойдаланиш., 2008 йил, 1-сон, Қодиров Б., Мирзо Улуғбек Байт-ул Ҳикмаси., 2008 йил, 1-сон, Очилова Г., Соҳибқироннинг ижтимоий сиёсий қарашлари., 2007 йил, 4-сон, Ғофуров Б., Бобур меросига қизиқиш ортмоқда., 2009 йил, 1-сон, Ҳайитов З., Соҳибқиронни англаш., Қиличев А., Амир Темурнинг давлат бошқаруви., 2010 йил, 2-сон, Нишонова Н., Амир Темур давлати сиёсатида Сароймулкхонимнинг ўрни. ва бошқалар.

этди.<sup>1</sup> Лекин қанча асарлар ёзилгани билан ушбу меросимизнинг аҳамияти камаймайди, балки аксинча, янада ортади. Унинг бизга маълум бўлмаган жиҳатлари намоён бўлади. Хали ўз тадқиқотларини кутаётган муаммолар талайгина. Шунга кўра, биз юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, имконимиз ва салоҳиятимиз даражасида Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий фикр ривожига қўшган ҳиссасини ўрганишни мақсад қилиб олдик.

**Тадқиқот мақсади.** Марказий Осиё уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий етакчилик тўғрисидаги қарашларини сиёсий таълимотлар тарихи нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Марказий Осиё уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий қарашлари тадқиқотнинг ўрганиш объектидир.

Тадқиқотнинг предмети Марказий Осиё уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий етакчилик тўғрисидаги қарашларини ўрганиш, илмий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:** 1) IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий таълимотларда сиёсий етакчиликка доир қарашлар; 2) Абу Наср Форобийнинг жамият, уни бошқариш ва давлат раҳбари ҳақидаги қарашлари; 3) Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг жамият, давлат ҳамда ижтимоий сиёсий муносабатлар назариясига қўшган ҳиссаси; 4) Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк» асарида давлат бошқаруви ва сиёсий етакчиликка доир қарашлари; 5) XIV-XV асрларда жамият ва давлатни бошқариш илмининг ривожланиши; 6) Амир Темурнинг давлатни бошқариш таълимоти; 7) Алишер Навоий асарларида маърифатли, одил ҳукмдор ғоясининг олға сурилиши; 8) Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» («Яхши хулқлар») асарида амир, вазирларнинг ақлу фаросати, ўзини тутиши тўғрисидаги фикрларини ўрганишдан иборат

Битирув малакавий ишда асосий масалаларни ёритишга имкон қадар ижодий ёндашилди. мавжуд адабиётлардан ижодий фойдаланилган ҳолда ушбу илмий-маънавий меросимизни юой сарчашмалари, ютуқларитаҳлил қилинади, уларга

---

<sup>1</sup> «Темур тузуклари», Б.Аҳмедов таҳрири остида., -Т.; Ғ.Ғулом, 1991, Амир Темур ўғитлари., тузувчилар Б.Аҳмедов, А.Аминов. –Т.; Наврўз, 1992, Низомулмулк., Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк., (форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳид Хусайнзода, А.Эркинов) – Т.: Адолат, 1997, Кайқовус. Қобуснома. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов. –Т.: «O'qituvchi» НМИУ, 2006

холис баҳо беришга ҳаракат қилинди ҳамда уларни ўрганиш ва тарғиб этиш самарадорлигини оширишга ҳизмат қилиши мумкин бўлган баъзи фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мустақиллик йилларида қабул қилинган илм-фан, маънавий-маданий ривожланишга оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, юртбошимиз И.А.Каримов асарлари, нутқлари ва маърузалари **методологик манба** бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари билан биргаликда соҳа мутахассисларининг асарларидан ҳам фойдаланилди. Улар битирув малакавий иши учун **илмий-назарий манба** вазифасини ўтади.

Ушбу мавзунини ўрганишда олға сурилган фикрлар илмий ва амалий аҳамиятга эга улардан илмий тадқиқот ишлари олиб боришда, умумийтаълим мактаблари, лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрғларида маънавият асослари, шахс ва жамият, миллий истиқлол ғояси, маданиятшунослик, Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи ва адабиёт фанларини ўқитишда, маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирларни ўтказишда, аҳоли орасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Мутафаккирларимиз олға сурган ғоялар аҳолининг, хусусан, ёшларнинг тарихимиз бой маънавий-маданий, маърифий-ахлоқий қадриятларимиз ҳақидаги билимларини оширишга ва улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришга ёрдам беради.

**Тадқиқот усуллари.** Муаммони ўрганишда таҳлил, умумлаштириш, тарихий, культурологик ёндашувлар ва ўзбек театр санъатининг ривожланиш жараёнларини кузатиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий иш иккита боб, олтига параграф, кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати, иловалардан иборат.

## **I боб IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий таълимотларда сиёсий етакчиликка доир қарашлар**

### **1.1. Абу Наср Форобийнинг жамият, уни бошқариш ва давлат раҳбари ҳақидаги қарашлари**

IX-XII асрларда Марказий Осиё ҳудудида бутун мусулмон дунёсига ўзларининг асарлари билан танилган, минтақа, хусусан ўзбек фанига асос солган, аждодларимизнинг илмий ютуқларини хотирада сақлаб, жаҳон илмий тафаккурининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк алломалар етишиб чиққан. Улар олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади.<sup>1</sup>

Шундай улуғ алломалардан бири Абу Наср Форобий(873-950 йиллар)дир. Ўрта асрнинг бир фанча илмий ютуқлари, умуман, Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларидаги тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти унинг номи билан боғлиқ. У ҳаётлик вақтидаёқ «Иккинчи Аристотель», «Шарқ Аристотели», «Муаллимин ас-соний» («биринчи муаллим», биринчи устоз Аристотель бўлган) деган фахрий ном олган эди. Бу унинг илми ва хизматларига берилган юксак баҳодир.<sup>2</sup>

Форобий асарлари Шарқ ва Ғарб олимларини ҳалигача билим доирасининг кенглиги билан ҳайратга солиб келмоқда. У фаннинг турли соҳалари бўйича 160дан ортиқ асар ёзган, лекни кўплари бизгача етиб келмаган.

Форобий «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», «Давлат арбобининг хикматлари» каби асарларида ўрта аср шароитида Шарқда биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида таълимот яратган. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлатга бирлашиш хусусиятлари, давлатни бошқариш, давлатнинг вазифалари, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва бурчи, умумий бахт саодатга эришиш йўллари, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва тинчлик, меҳнат ва бошқалар камраб олинган.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: «Ўзбекистон», 1997, 259-бет.

<sup>2</sup> Shasiddinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. 1-kitob. –Т.:«Sharq», 2010, 226-bet.

Фаробий инсонни бахт-саодатли қилиш жамиятнинг асосий мақсади эканлигини таъкидлайди ва бунга барча воситалар билан эришиш зарур, бу бахт саодат инсонлар жамоасида амалга оширилиши мумкин деб кўрсатади. Фаробийнинг фикрича, инсоннинг тақдири аввалдан белгиланган эмас, ҳар бир шахс ўз ихтиёри билан фаолият кўрсатиб, ўз бахтини ўзи яратади, тақдирини ўзи ҳал этади.

Фаробий бутун жаҳон миқёсида урушсиз, тинчликка, адолатга, ўзаро ҳурмат ва ёрдамга, ҳамжиҳатликка асосланган, ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт саодатга, илм-маърифатга олиб боровчи ягона идеал инсоният жамоасининг барпо этилишини орзу қилади, барча инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради.

Фаробий ўзнинг бу идеал жамоасида одамларни турли белгиларига қараб гуруҳларга бўлади. Бунда уларнинг диний мазҳабига эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало, ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш ва ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият беради. Бу жамоада инсонлар бахт-саодатга эришади. У илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади. Фаробий давлатни бошқаришнинг турли шаллари ҳақида ҳам фикр юритган. Давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланга шахслар (демократия) бошқариши мумкин деб кўрсатган.

Фаробий асарлари орасида «Фозил одамлар шахри» асари алоҳида аҳамиятга эга. Унда жамиятни (инсонлар жамоаси) келиб чиқиши, адолатли жамиятга эришиш йўллари, фозил шахар ҳокими ва аҳолисининг фазилатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби каби масалалар баён этилган. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозир ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл йўриқларини топа олади<sup>1</sup>.

Фаробий жамият(инсонлар жамоаси)нинг келиб чиқиш сабабларини одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжларидан излаган. Шу ўринда унинг куйидаги сўзлари диққатга сазовордир. «Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Асарлар 7-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1999, 90-бет.

бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»<sup>1</sup>.

Фаробий асарларида давлат атамаси учрамайди. Инсон жамоалари тушунчаси орқалидавлат тушунчаси ҳам ифодаланган. У инсонларнинг энг такомиллашган жамоаси деб шаҳар жамоаларини билади ва уларни фазилатли ҳамда фазилатсиз шаҳар жамоаларига бўлади. Разолат ва бадбахтлик, обрўпарастлар, амалпарастлар, ҳокимиятпарастлар шаҳарларини ҳам кўрсатади. Фазилатли шаҳарлардаги одамлар ўзаро бирликда, тотувликда, иттифокда яшайдилар, бир бирларига ёрдам берадилар. У фазилатли шаҳарларни фозиллар шаҳри деб ҳам атайди ва бу ерда яшовчи аҳоли учун умумий бўлган хусусиятларни кўрсатиб ўтади: 1) улар аслий сабабни ва унинг барча сифатларини билишлари зарур; 2) моддийликдан ташқарида мавжуд нарсаларни ва уларнинг сифатларини, фаол ақлга қадар бўлган даражаларини ҳамда улардан ҳар бирининг сифатларини билиши зарур; 3) улар самовий ҳикматларни ва улардан ҳар бирининг сифатларини билиши зарур; 4) хилқатлардан пастдаги табиий жисмларни, уларнинг қандай вужудга келиши ва йўқолиши, уларда юз бераётган барча ҳодисаларнинг мукамаллиги, яҳлитлиги, мурувват адолат билан оқилона эканлигини, бу ҳодисаларда ҳеч бир нуқсон, ҳеч бир адолатсизлик йўқлигини билишлари зарур; 5) улар одамзод яралганини, унинг жисмига кирган руҳнинг хусусиятларини, фаол ақл унинг руҳини қандай қилиб нурлантиргинини, шу туфайли инсонда дастлаб ки тушунчалар пайдо бўлганини, у Оллоҳнинг иродасига бўйсунуш ва нималарда эркинлигини билишлари зарур; 6) улар шаҳар(давлат)нинг биринчи раҳбари турли сабабларга кўра йўқ бўлганда унинг ўрнини боса оладиган раҳбарларни билишлари зарур; 7) улар ўзлари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур; 8) улар фазилатсиз шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси ўлганидан сўнг дуч келадиган қийноқларни, фалокатларни ҳам билиши зарур; 9) улар фозиллар шаҳри аҳолиси охиратда неларга эришувини, нелардан сақланишини билишлари зарур ва хоказо<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. -Т.: «Ўзбекистон» 1971, 301-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Абу Наср Фаробий. «Фозил одамлар шаҳри», -Т.: «Халқ мероси», 1993, 166-167-бетлар.

Фаробийнинг давлатни бошқариш ҳақидаги фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. У давлатни бошқаришни алоҳида санъат деб ҳисоблайди. Ахлоқ ва фаолиятда изчил, бир нормада, яъни бир меъёردа иш олиб борувчи киши давлат ва мулкда фаол иштирок этувчидир. Фаолиятда топиш санъати раҳбарлик қилиш санъатидир. Алломанинг фикрича, давлат раҳбари шундай санъатга эга бўлиши керакки, у бирон нарсага ҳизмат қилиш воситаси ҳам, бошқа санъат томонидан бошқарилиш объекти ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳокимлик санъатига бошқа барча санъатлар бўйсунди. Бундай санъатга эга инсонни бошқа ҳеч ким бошқармайди, у комилликка эришган ҳамда амалдаги ақл ва тушунчага айланган. Бундай инсон юксак даражадаги комилликка эришган бўлиши ва саодатнинг чўққисига бўлиши керак.

Унга бахтга эришишга ёрдам берадиган ҳар қандай ҳаракат маълум. У ўз билимини сўзлар орқали яққол ифодалашни ва одамларни энг яхши усуллар билан бахтга йўналтиришни билиши керак. Бундай хислатларга эса комил файласуфларгина эга.

Бахт-саодатга эришув ва туғма қобилиятларнинг ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга мууҳтожлик туғилади.

Бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларни бахт-саодатга эришув даражасига кўтариш ҳам ҳар кимнинг кўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш ҳаракатини бажара олишга қудратсиз бўлса бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди.

Баъзи раҳбарлар, бир шаҳарнинг соҳибкори, шаҳар халқи ҳаётига тегишлиишларда тадбиркор бўладилар. Улар бу йил-йўриқ, нормаларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўргандилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русм, йўл-йўриқ нормаларни ислоҳ қилишни лозим ва фойдали топса, турмуш шароити тақозосига қараб уларни ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак.

Буюк донишманднинг ушбу сўзлари худди бугунги кун ҳақида айтилгандек. Зеро, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларнинг босқичма-босқич, инқилобий сакрашлар-у, ларзаларсиз амалга оширилаётгани ўтмиш меросимиздаги барча

илғор кадриятлар, нормалар, тамойилларни олиб эски ўз умрини яшаб бўлган, бугунги кун талабларига асло жавоб бермайдиган жиҳатлардан эса қатъиян воз кечилаётган давлатимиз сиёсатининг айнан Форобий, Амир Темур каби донишманд аждодларимиз тафаккури эришган ютуқлар давлат сиёсатидан тобора мустаҳкам ўрин олаётганидан далолат бермоқда. Подшонинг қиладиган ишидан мақсади шу бўлиши керакки, деб ёзади Форобий, у халққа ҳам, ўзига ҳам фойда келтирсин, бу подшо меҳнатининг ғояси ва мазмунидир. Агар подшо халқ бахтининг сабабчиси бўлса, у ўз халқи орасидаги энг бахтли киши бўлиши керак.

Фозил давлат раҳбари, аллома фикрича, қуйидаги туғма табиий хислатларга эга бўлиши керак: 1) табиатан нозик, фаросатли бўлиши; 2) комил аъзоларга эга бўлиши; 3) яхши хотирага эга бўлиши, кўрган, эшитган ва идрок этган нарсаларини тавсилотлари билан ёдда тутиши; 4) ўткир зеҳнли, зукко бўлиши; 5) ифодали нутққа эга бўлиш; 6) таълим олишга, билим ва маърифатга хавасли бўлиш, ўқиш ва ўрганишда сира чарчамайдиган, машаққатидан қочмайдиган бўлиш; 7) баднафслик, ичкилик ва шахвонийликдан ўзини тия оладиган бўлиш; 8) ҳақиқатни ва унинг учун курашувчиларни яхши кўриш, ёлғондан ва ёлғончилардан нафратланиш; 9) ўз қадрини билувчи ва ор номусли одам бўлиш, туғма олий ҳиммат бўлиш ва улут ишларга интилиш; 10) мол дунё кетидан қувмайдиган бўлиш; 11) табиатан адолатпарвар бўлиш; 12) зарур беб билган ҳаракатни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур, мард бўлиш, кўрқоклик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслик<sup>1</sup>.

Форобий бир ҳокимнинг ўрнига келадиган бошқа шахснинг ҳам юқорида келтирилган фазилатларга эга бўлиши зарурлигини шу билан бирга, ўзидан аввалги ҳокимнинг яхши ишларини давом эттириши, жамиятнинг барқарорлиги ва қонунларнинг ворислилигини таъминлаш учун бўлғуси раҳбарда қуйидаги олти хислатни тарбиялаш кераклигини таъкидлайди, биринчидан, донишманд бўлиш; иккинчидан, аввалги ҳокимлар ўрнатган қонун-қоидаларни ва одатларни билувчи ва ёдда тутувчи бўлиш; учинчидан, аждодлардан тегишли қонун сақланиб қолмаган соҳада бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод ва иштирокчиликни намоён этиш; тўртинчидан, мавжуд воқеликни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги ҳокимлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. «Тошкент», «Халқ мероси», 1993, 159-160-бетлар.

учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш; бешинчидан, аввалги ҳокимлар ўрнатган қонунларга, шунингдек аввалгиларидан ибрат олиб ўзи чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун нотиклик хислатига эга бўлиш; олтинчидан, зарур ҳолларда лашкарга кўмондонлик қилиш учун жисмонан бақувват бўлиш ва ҳарбий санъатни яхши билиш<sup>1</sup>.

Бошқарувга фақат мулкдорлар вакиллари тайинлаш тарафдори бўлган Афлотундан фарқли ўлароқ Форобий мазкур талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахс ҳоким бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.

Ҳазилатли шахар бошлиқлари тўрт тоифага бўлинади, деб таъкидлайди аллома, уларнинг биринчи тоифасига ҳақиқат йўлида иш олиб борувчи подшо киради. У биринчи раис, яъни бошлиқ деб аталиб унинг олтига хислати бор: донолик, ўта мулоҳазалилик, ишонтириш қобилиятига, жисмоний жиҳатдан жанг қила олиш қобилиятига эгаллик ҳамда тана тузилиши жиҳатидан жангчига хос бўлиши, яъни танасида бирон бир камчилиги бўлмаслиги керак. Ана шундай хислатларни ўзида жамлаган шахс ўз фаолиятида, сўзини ўтказишда, буйруқларни бажартиришда, иш юртишда моҳир бўлади.

Форобий ушбу хислатларнинг бир одамда бирлашиши қийин эканлигига, шу сабабли бундай кишилар жуда камдан-кам учрашига ишонади. Шу боисдан у иккинчи раҳбарга қўйиладиган шартларни дастлаб олтигагача, сўнгра эса биттагача камайтиради. Аммо бунда ҳар бири белгиланган нормалардан бирига жавоб берадиган олтига раҳбар бўлиши шарт қилиб қўйилади.

Агар шундай киши топилмаса , - деб ёзади Форобий юқоридаги хислатларни ўзларига жамлаган бур гуруҳ ҳам подшонинг ўрнини босишлари мумкин. Яъни бу гуруҳнинг бири ғояларни илғари суради, иккинчиси бу ғояларни қандай қилиб амалга ошириш йўллари кўрсатиб беради, яъни бири ишонтиради ва тушунтиради. Охиргиси эса лашкарбошилиқ қилади, шундай қилиб, буларнинг ҳаммаси йиғилиб подшолик родини ўтайдилар ва аҳил бошлиқлар деб номланадилар ва улар ташкил этган хайъат, фозиллар хайъати деб аталади. Агар бундай кишилар бўлмаса бу вақтда шахар бошлиғи, шароит ва сунналарни яхши биладиган, ҳар қандай шароитда аҳволни тушуна оладиган, ўқиган пайти келганда суннада ёзилмаган нарсаларни ҳам топиб қўллай биладиган, яхши фикрли шахарни

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 160-161-бетлар.

ташкил қиладиган устароқ бўлган, нотиклик қобилияти бор жангчи ҳам бошлиқ бўлса бўлади. Бундай бошлиқ тажрибали бошқарувчи деб ном олади. Агар бундай киши ҳам топилмаса, унинг ўрнини юқоридаги хислатларга эга бар гуруҳ шахслар ҳам бажариши мумкин. Бу жамоа тажрибали кишилар деб номланади.

Ушбу норма эҳтимол, давлатга жамоа бўлиб раҳбарлик қилиш зарурлигини асослаш учун керак бўлгандир. Бу ерда биз жамоа бўлиб раҳбарлик қилишнинг «демократик» бошқариш шакллари ва халқ ҳокимияти тўғрисидаги айрим фикрларни кўрамиз.

Лекин, Форобий демократик бошқарув шаклини етук бошқарув шакли, бундай бошқарувга асосланган шаҳарларни эса етук фозил шаҳар деб билмайди, балки, ёмонликни тарғиб қилувчи шаҳарлардан фарқ қилиб, фозил шаҳарларга эришув йўлидаги муҳим босқич деб тушунади.

Бир томондан, Форобий бундай шаҳарлардаги озодлик, тенг ҳуқуқлилиқни маъқуллайди, унга зўр ҳайрихоҳлик билан қарайди; иккинчи томондан, шаҳар аҳолисининг бахт-саодатга эришуви муайян асосий нормаларга амал қилиб турувчи, халқни доимо олға ундаб турувчи етук бошлиқсиз мумкин эмас деб билади.

Форобий давлат бошқарувида қонунлар, меъёрлар ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутишини, айна пайтда, уни ҳаётга тадбиқ этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Фақат эзгу мақсадларга хизмат қиладиган, барча учун баробар даҳлдор қонунлар, меъёрларгина жамиятда тўсқинликларсиз амал қилишини уқтирган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Форобий фозил шаҳарнинг фозил ҳукмдори тимсолида одамларга ҳақиқий бахт-саодатга эришиш йўлларини кўрсатувчи ва қомил инсон ғоясини илғари сурувчи буюк алломадир. Унинг ғоялари Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуришда етакчи бўлиб келаётган шаҳар, туман ва вилоятларнинг ҳокимлари ҳамда бошқа раҳбарлар учун ибрат мактабидир.

Хуллас, Форобий фаннинг турли соҳаларида, бебаҳо мерос қолдирди. У ўз давридаёқ буюқ қомусий олим сифатида машҳур бўлган.

Буюқ инсоншунос олим Абу Наср Форобий ўз асарларида «фозил», яъни адолатли жамиятлар билан бирга «жоҳил» инсонлар ва жаҳолатдаги жамиятлар

хақида ҳам қимматли фикрлар билдирган. У жохил жамиятларнинг жуда кўп турларини санаб ўтган. Унинг фикрича маънавий ахлоқий сифат ва фазилатлардан маҳрум бўлган ўз ҳаёти ва фаолияти давомида уларга риоя қилмайдиган кишилар жамоаси жохиллар жамоаси деб аталади. Бундай жамоанинг аъзолари ҳам ярамас ахлокли, хулқ-атворли кишилардир. «Фазилатсиз шаҳарларнинг одамлари ёмон феъллари, табиатлари туфайли кўнгиллари, рухлари ҳам ёмонлашиб бораверади. Мободо улар ана шу ёмон ишларида изчил саъй-ҳаракат, тобора куч ғайрат кўрсатса, уларнинг рухлари янада кўпроқ ёмонлашади ва охири майиб-мажруҳ бўлиб қолади. Шу туфайли улар ўзларига ёқадиган ёмон ишлардан хузур-халоват оладилар»<sup>1</sup>, - дейди Форобий.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, жохиллар нодон, илмсиз, маънавийсиз, маърифатсиз кимсалар, шунинг учун улар бахт-саодат, юксак камолот нималигини тушунмайдилар, улар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар, шу сабабдан улар бунга интилмайдилар ҳам. «Улар, - дейди Форобий, - бахту давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзаки нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, хирсу-шаҳватни, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, фаровонлик деб ўйлайдилар. Шу неъматлардан ҳар бири жаҳолатдаги одамлар назарида ҳаётдан мақсад, бахт-саодат бўлиб кўринадилар»<sup>2</sup>. Форобий маънавий-ахлоқий, жиҳатдан носоғлом, ҳар қандай пасткашлик йўли билан ўз мақсадига эришувчи бундай одамларга нисбатан салбий муносабатда бўлди.

«Аммо, - дейди аллома, - жаҳолат, ёвузлик, ҳақсизлик, абадий ҳодисалар эмас, бу иллатларга албатта барҳам берилади. Жамиятда эзгулик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик, адолат албатта тантана қилади, шундай замонлар келадики, инсоният албатта юксак камолотга олий бахт-саодатга эришади». Шу боис Форобий касб-хунар эгаларининг, савдогар ва тижоратчиларни, ўз касби ва фаолиятини чин дилдан ҳалол бажарадиган инсонларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини шарафлайди ҳамда уларни жамиятни мустаҳкамлайдиган тоифа деб ҳисоблайди.

Одамлар уюшмасининг яна бошқа бир бошқа шакли айрибошловчилар шаҳри ҳақида гапириб Форобий бу шаҳар аҳолиси тўқчилик ва мол-дунёга эришувда бир-бирларига ёрдам беришни ўз мақсадлари деб биладилар, дейди. Шухратпарастлар

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. «Тошкент», «Халқ мероси», 1993, 166-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 162-бет.

шаҳри аҳолиси эса ўзаро бир-бирларини мақташни ёқтирадилар, уларни бировлар улуғлашини, кўкларга кўтаришини хоҳлайдилар. Амалпарастлар ва ҳокимиятпарастлар шаҳри аҳолиси бўлса ҳамма халқлар уларга бўйсунини истайдилар. Яна бундай шаҳарларга беномуслар шаҳри ҳам кирадики унинг аҳолиси фозиллар билган ҳамма нарсани билади, тушунади, аммо амал қилишни хоҳламайди.

Беқарор ва адашган шаҳарлар ҳам бўлиб, бу шаҳарларнинг аҳолилари аввалроқ ўз ғоя ва тушунчаларига эга бўладилар, кейинроқ эса бу юртга бегона, ет ғоялар кириб қолса, ўша ғояларга берилиб кетадилар ва ўз қарашларини бутушлай ўзгартирадилар. Бизнинг замонамизда худди ваҳҳобийлар, экстремистлар, террористлар гуруҳига кириб қолган кимсалар сингари, улар ўз ота-оналарига қўл кўтардилар, устозларининг юзига тик қарайдилар, фарзандларини ўлдирадилар. Чунки улар жоҳиллар, кўрлар, уларнинг мафқураси йўқ манқурт кимсалардир. Абу Наср Форобий бундайларни ўз давридаёқ жуда қаттиқ қоралаган ва уларга қарши курашиш ўзини инсонман деб ҳисоблаган ҳар бир кишининг муҳим вазифасидир, муқаддас бурчидир, деб таъкидлаган. Шундай шаҳарлардан яна бири адашган шаҳар бўлиб, бундай шаҳарда аҳоли алломанинг фикрича фақат ўлгандан кейин бахт-саодатга эришиш мумкин, деган фикрга ишонади. Инсон ўз бахтини ўзи, ўз меҳнат фаолияти билан яратади, деган ғоя улар учун ётдир.

Форобийнинг таъкидлашича, бундай шаҳарларнинг ҳокимлари ўзларини ҳар қандай йўллар билан илоҳий сифат – нур соҳиблари деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Улар жамоанинг ҳеч қандай қонун-қоидаларига риоя қилмайдилар. Охир-оқибатда уларнинг бундай ноқонуний ҳаракатлари бу шаҳарларнинг емирилишига сабаб бўлади.

Шу боис, бу шаҳарлардаги ҳокимлар, амалпарастлар ва бошқа шу жамоада яшовчи кишиларнинг хато ва иллатлари, жиноятлари ва ахлоқий ёмон феъллари бартараф этилса бундай жамиятлар фозил жамиятга айланиши мумкин.

Энг ёмон шаҳарлар деб, Форобий разолат (тубанлик) ва бадбахтлик шаҳри ҳамда шаҳватпарастлар шаҳрини ҳисоблайди. Асарда шундапй дейилади: «разолат (тубанлик) ва бадбахтлик шаҳри, бундай шаҳар аҳолиси фақат ейиш, ичишда,

жинсий алоқада хузур ҳаловатга эришишга, ҳиссий лаззатлар, ишрат, каф-софонинг барча турларига интиладилар»<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, зарурий жҳтиёжлар шаҳри ҳам бўлиб, бундай жамоа аъзолари «фақат бадан учун зарур бўлган нарсалар: озиқ-овқат, ичимлик, кийим-кечак, тура-жой, жинсий алоқа ҳамда шуларга зришиш учун бир-бирларига ёрдам бериш билан гина чекланган одамлардир»<sup>2</sup>. Бундай жамоа кишиларнинг яшашдан асосий мақсади олий даражадаги роҳатланишдир.

Форобийнинг фикрига кўра, бундай жамоада кимки жисмоний роҳатланиш учун кўпроқ воситаларни кўлга киритса, ўша ўзини кўпроқ обьрўли, бахтли ҳисоблаган.

Кишилар уюшмасининг энг тубан, энг даҳшатлиси шаҳватпарастлар шаҳридир, дейди Форобий. Бу жамоада эса шаҳар аҳолисининг ҳар бири эҳтирослари тизгинини жиловламай истаганча ўз майлларини қондиришга интиладилар.

Жаҳолатдаги шаҳарлар аҳолисининг машғулотлари ҳам юқорида айтилган мақсадларга хизмат қилади. Жаҳолатдаги шаҳарларнинг ҳокимлари ҳам худди шу шаҳарлар аҳолиси кабидир. Улар ўзи ҳукмронлик қилган шаҳарларда юқорида айтиб ўтилган шахсий истакларини тинимсиз қондиришга интиладилар. Бундай кишилар ахлоқи замонавий социологияда девиант ахлоқ дейилади.

Шу боис, бундай феъл-атворли кишиларни тарбиялаш ва жамиятни турли ишлатлардан озод қилиш замонавий социологиянинг муҳим вазафаларидандир. Бу масалани Форобий ўрта аср шароитидаёқ кўтариб чиқди ва бундай кишиларнинг ахлоқи жамият аъзоларига, уларнинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини қатъий таъкидлади. Жамиятда бундай кишилар кўпайса, жамият ҳалокатга юз тутади, аксинча, жамият улардан ҳоли бўлса, юксак фаровонлик ва тараққиётга эришади.

Бу билан Форобий жамият қандай бўлса одамларнинг ҳам шундай турини тарбиялайди, аксинча одамлар қандай бўлсалар жамиятнинг ҳам шундай турини яратадилар демоқчи. Албатта, Форобий ижтимоий турмушдаги барча воқеа ва ҳодисаларга ўз даври шароитидан, феодал тузум моҳиятидан келиб чиқиб баҳо берган, шу сабабли ўша давр жамиятларини ўз мақсад ва вазифасига ва тутган

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. «Тошкент», «Халқ мероси», 1993, 161-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 162-бет

йўлига қараб ахлоқсизлар жамоаси, босқинчилар жамоаси, жабр-зулмга асосланган жамоа, бойлик тўплашни, кайфу-сафони мақсад қилиб олган жамиятларга ажратган. Минг афсуски бундай салбий иллатлар бизнинг давримизда ҳам учрайди. Шу боис дейди аллома, таълим-тарбия йўли билан бундай салбий иллатларни ва кишилардаги жирканч феъл-атворларни тузатиш мумкин. Унинг уқтиришича, ҳукмдорлар ҳокимиятдан ўз шахсий манфаатларини таъминлаш, ифлос майлларини қондириш, мол-дунё тўплаш, нафс балосига эрк бериш, ўзгаларни ўзига бўйсундириш, халқни эзиш, алдаш, ҳақоратлаш, унга ҳар қандай йўллар билан зулм ўтказиш воситаси сифатида эмас, балки мамлакатда яшаб турган барча фуқароларни миллати, дини, тили, ижтимоий мавқеи, келиб чиқишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаш, адолатни қарор топтириш, халқни эркин ва озод яшашини таъминлаш, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиши лозим.

Донишманднинг фикрича агар бу иллатларнинг олди олинмаса, улар йилдан-йилга, авлоддан-авлодга ўтиб, янада чуқур илдиз отади. Натижада жоҳил ота-оналардан ноқобил болалар дунёга келади, бу эса жамият ва давлатнинг келажагини хавф остида қолдиради.

Аллома шундай дейди: «Баъзи шаҳарлар (ёки мамлакат) бўладики, уларда бутун халқнинг фикру-зикри, ақл-идроқи бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан ҳукмдорлар ҳам раҳбарликни мол-дунёни кўпайтиришда деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар эртаю-кеч мол-дунё тўплаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг қўл остидаги ишлаган шаҳар халқларида турли бузук одатлар, шахвоний нафс, бир-бирларини кўролмаслик, бир-бирларини талаш, душманлик, низо-жанжаллар пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан майллари турига бўлган авлод туғилади»<sup>1</sup>

Натижада дейди аллома, - бундай жамият ҳалокатга юз тутаяди. Шу боис, Форобийнинг фикрича, бундай иллатларнинг ўз вақтида олди олинса, жамият учун ҳам халқ учун ҳам айна муддао бўлар эди.

Шундай қилиб, Абу Наср Форобий инсоният жамияти, унинг келиб чиқиши, бошқариш усуллари ва воситалари ҳақидаги ўз устозларининг ҳояларига, илғор назарий меросга таяниб, ўзининг ҳаётий кузатишлари ва мулоҳазалари асосида

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. «Тошкент», «Халқ мероси», 1993, 166-бет.

жамият ва давлатнинг турларини, кўринишларини, давлат ва жамият келиб чиқишининг асосий сабабларини, жамиятда кишиларнинг жамоа бўлиб яшаш конунларини баён этган.

## **1.2. Абу Али Ибн Сино ва Абу Райхон Берунийнинг жамият, давлат ҳамда ижтимоий сиёсий муносабатлар назариясига қўшган ҳиссаси**

Марказий Осиёдаги илм-фан ва маданият ривожидида қомусий олим Абу Райхон Беруний(973-148 йиллар)нинг ҳам ўзига хос ўрни бор. У жаҳон фанида, хатто шеърятда ҳам сезиларли из қолдирган. Хоразм Маъмун академиясида фаолият кўрсатган буюк алломалардан бўлган, унга кўпроқ шуҳрат келтирган, уни бошқарган, фаҳри бўлган. Унинг илмий мероси ниҳоятда кўп қиррали бўлиб, ўша даврдаги деярли ҳамма фанларни ўз ичига қамраб олган.

Берунийнинг 154 та таржимаси, турли ҳажмдаги асарлар, ёзишмалар ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор, лекни бизгача 30 таси етиб келган.<sup>1</sup> Бу асарларида, бир томондан Марказий Осиё, қадимги Юнон ва Ҳинд мутаффаққирларининг илғор анъаналарини ижодий ривожлантирган бўлса, иккинчи томондан, унинг етуклиги, тафаккур доирасининг кенглигидан далолат беради. Беруний томонидан «сабабларнинг сабаби» – инсон ва инсоният жамиятининг юзага келиши масаласининг қўйилиши диққатга сазовордир. Бу тўғрида у «қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва машҳури башариятнинг бошланишидир»<sup>2</sup>, деб ёзади. Демак, алома бу масалада рационализм позициясида турган, инсонлар ўртасидаги тафовутни эътироф этган, фақат ташқи фарқлар ҳақида фикр юритган, кишиларнинг ички тузилиши ва ташкил топиши барчада умумий деган хулосага келган.

Берунийга «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Минералогия», «Геодезия» каби йирик асарлари тоа маънода жаҳоншумул шуҳрат келтирган.

«Ҳиндистон» асари ҳам ҳажми, ҳам аҳамияти жиҳатидан Беруний асарларининг энг йириги ҳисобланади. У 13 йил давомида олиб борилган илмий

<sup>1</sup> Shasiddinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. 1-kitob. –Т.: «Sharq», 2010, 232-бет.

<sup>2</sup> Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). -Т.: «Халқ мероси», 2001, 107-бет.

кидирув ишлари натижасида ёзилган ва 80 бобдан иборат. Асарни ёзиш учун 1 йилу 8 ой кетган (1030 йилнинг 30 апрелидан то 1031 йилнинг 19 декабригача). «Ҳиндистон»га ўхшаган асар умуман фан тарихида учрамайди. Унда ҳиндларнинг тарихи, фани, урф-одати, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, эътиқодлари, модда, тангри, олам, инсон, жон кабиларга бўлган қарашлар уларнинг динлари, динларининг келиб чиқиши, тарихи, пайғамбарлари, аниқ фанлар соҳасидаги илмлар, ўлка ва шаҳарларнинг чегаралари ва уларга оид бўлган афсона ва тарихлар, ёзув ва тиллари, шеър ва вазнлари, уларнинг ўша даврдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи каби масалалар моҳирлик билан баён этилган.

Беруний мусулмонлар билан ҳиндларнинг урф-одатлари ўртасидаги фарқларни таҳлил қилиб, уларнинг географик шароитларга боғлиқлигини таъкидлайди. Тилларнинг турличалигини ҳам географик омилларга боғлайди, инсонларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши ва бир-бирларидан узоқ туришларини тилларнинг турлича бўлиши асосий сабабларидан деб кўрсатади.

Унинг «Геодезия», «Минералогия», «Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар» каби асарларида ҳам тарих, адабиёт, тилшуносликка оид қимматли маълумотлар бор. У тарихни баён қилишда диний эътиқод ва ирқлардан қатъий назар, ҳолисона туриш тарафдори бўлган. Қиёсий таҳлил методидан кенг фойдаланган. Масалан, ҳинд фани ва фалсафаси, ҳиндларнинг диний эътиқодлари ва урф одатлари ҳақидаги маълумотларни юнон фалсафаси ва мифологияси билан солиштиради.

Беруний ҳинд фалсафасини ёритишда ўзининг ҳолисоналик тамоилидан келиб чиққан ҳолда жиддий ўзгартиришларни киритмасдан, балки ушбу муаммони талқин қилишда бизгача етиб келмаган манбаларга асосланган. Илмий ҳолисоналик унинг қуйидаги сўзларида ўзининг ёрқин ифодасини топган: «Бу (яъни «Ҳиндистон») китоб баҳслашиш ва тортишиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда душманлар исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиққанларга қаршилик кўрсатмайман. Бу фақатгина баён қилиш китобидир, ҳолис»<sup>1</sup>.

Беруний ҳинд фалсафасининг муаммолари, хусусан, худони таърифлаш ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир миллатда ўқимишли ва ўқимишли бўлмаган табақаларнинг эътиқодлари хусусан диний масалаларга тааллуқли қарашлари орасида муҳим фарқ борлигини қайд қилади.

---

<sup>1</sup> Жўракулов Ф. Жаҳон фанида Беруний томонидан Ҳинд фалсафасини ёритишнинг баҳоланиши масалалари, «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2005, 4-сон, 13-бет.

«Ўқимишли халқлар Худони мавҳум ғоялар шаклида тушунсалар, ўқимишли бўлмаган халқлар эса объектларни фақат хиссиёт орқали идрок этишади»<sup>1</sup>. Беруний ушбу фарқларни табақаларнинг ижтимоий ва маърифий мавқеи нуқтаи назаридан аниқлашга ҳаракат қилади. У юқори ва авом табақаларнинг фарқини асосан илм билан алоқалари борлигига қараб ажратган. Демак, худо ҳақидаги тасаввурларнинг хилма-хиллигини назарда тутишнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, агар улар назарда туилмаса, жамиятда шу йўналишдаги келишмовчилик ва тафовутларнинг кескинлашишига олиб келиши мумкин.

Булардан кўринадики, Беруний ҳинд фалсафасини таҳлил қилишда унга бир томонлама ёндашмасдан, балки бор имкониятлардан келиб чиқиб ҳолисона, унинг ҳақиқий мазмунини очиб беришга ҳаракат қилган. Аломанинг ҳинд диний-фалсафий оқимларининг метафизикасини ҳам фактологик аниқлиги ҳам ўзи очган фалсафа тарихи, ривожланишнинг маълум қонуниятлари нуқтаи назаридан талқин қилиниши унга ҳинд тафаккурининг аънавалири ва мазмунини ҳамда умумлаштирилган манзарасини кўрсатишга имкон берди.

Умуман олганда, Беруний ҳинд динлари ва фалсафаси хусусида араб тилида энг ёрқин саҳифаларни яратди. У жаҳон фанида ҳинд тафаккурининг тарихи ҳақида ёзган муаллифлар орасида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида подшоҳлар ва машҳур шахслар тарихи ва ўша давр маданиятига оид этнографик маълумотлар берилган. Асарнинг қиммати шундаки, у исломгача бўлган бутун бир даврни ўрганишга муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унда юнонлар, римликлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмликлар, юлдузга сиғинувчилар(хорронийлар), қибтийлар, христианлар, яхудийлар, исломгача бўлган арабларнинг йил ҳисоблари, турли байрам ва машҳур кунлари муфассал тасвирланган, кўп халқларнинг маънавий ҳаёти ва тарихига оид қимматли маълумотлар берилган.

Берунийнинг муҳим ғояларидан бири моддий омилнинг аҳамиятини эътироф этишдир. У инсонлар ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш ва бошқалардан ўзини ҳимоя қилиш учун, уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар, уларнинг эҳтиёжлари турли-туман ва кўп бўлади, фақат бир неча кишилар уюшмасигина уни қондириши мумкин, деб кўрсатади. Унингча, одамлар жамоаси

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 15-бет.

ўзаро ёрдамга, бир-бирлари билан тинч тотув яшашга, умумий манфаат учун ишлашга асосланиб тузилиши лозим.

Беруний меҳнатнинг жамиятда тутган ўрни масаласида ҳам ғоятда қимматли фикрларни баён қилган. Бу ҳақда у «инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришидан иборат; шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади»<sup>1</sup>, деб ёзган эди. Унинг фикрича, одамларнинг мижози (темпераменти) ва қобилиятлари билан турлича. Шунга кўра, мақсадларида ҳам фарқ бор. Бу ҳол меҳнат тақсимотини, у эса меҳнатни қадрлаш лозимлигини келтириб чиқарган. Натижада пул пайдо бўлган ва ўзаро алмашинувнинг умумий ўлчов эквиваленти вазифасини бажариш орқали инсонлар эҳтиёжларини қондира бошлаган. Пулдан нотўғри фойдаланиш оқибатида ёмонлик,

Бу уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат»<sup>2</sup>.

Берунийнинг фикрича, табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларидақатъий бўлиши, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига бўйсунуши, яратувчанлик онгига эга бўлиши, айниқса деҳқонлар тўғрисида кўпроқ ғам ейиши лозим. Беруний «одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборат»<sup>3</sup>, деб таъкидлайди.

Дунё илм-фани ва маданияти тарихида Шарқда «Шайх ар-раис» (донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи), «Шароф ал-мулк»(ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи), «Хужжат ал-ҳаққ» (донишманд, тадбиркор вазир), Ўрбда «Авиценна» номи билан машҳур бўлган қомусий олим Абу Али Ибн Сино (980-1037 йиллар) нинг бой илмий маданий мероси ҳам муҳим ўрин тутди. У 480 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, бизгача уларнинг 242таси етиб келган: 80 таси фалсафа, илоҳиётва тасаввуфга, 43 таси табобатга, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалақкиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга, 8 таси бошқа

<sup>1</sup> Буюк сиймолар, алломалар, 1-китоб,-Т.: «Халқ мероси», 1995, 51-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 51-52-бетлар.

<sup>3</sup> Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар).-Т.: «Халқ мероси», 2001, 109-бет.

олимлар билан бўлган ёзишмаларга тегишлидир<sup>1</sup>. Ижтимоий масалалар, хусусан давлат бошқаруви масаласида Ибн Сино Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида баён этилган фикрларга яқин туради. У шаҳарнинг маданият, адолат ва иқтисодий фаровонликни таъминловчи тузум деб билади. Унинг фикрича, энг олий фазилят назарий донолик эмас, балки ҳаётга тадбиқ этилган, одамларга фойда келтирувчи, ақл-заковатдир.

Ибн Сино инсонга объектив моддий жараён деб караган. Унинг фикрича, аввало тоғу-тошлар, сўнг ўсимлик ва ҳайвонлар, ниҳоят тараққиёт маҳсули сифатида инсон пайдо бўлган. Инсон бошқа мавжудотлардан сўзлашув тили (нутқи), ақл-идроки ва тафаккури билан ажралиб туради. Кишиларнинг жамиятга бирлашиб яшашларининг асосий шarti барча учун бир хилда бўлган ақлга мувофиқ қонунлар ва одил судлов асосида амалга ошириладиган ўзаро тинч ҳамкорликдир.

Ибн Синонинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги таълимотида адолат, тинчлик, яхшилик ва ҳамдўстлик ҳукмрон бўлган идеал давлат ҳақидаги ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. Унинг фикрича: 1) бу давлат тепасида маърифатпарвар шох туради; 2) жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланадилар. Меҳнат қила олмайдиганлар ва бетоблар жамият жамғармасидан ёрдам оладилар. Бу жамғарма солиқлар ва хайр-эҳсонлардан ташкил топади; 3) аҳоли маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар (ҳукмдорлар), ишлаб чиқарувчилар (меҳнаткашлар) ва ҳарбийлар (жангчилар)даниборат уч табақага бўйсунди; 4) барча моддий бойликлар тенг тақсимланади ва мисли кўрилмаган катта бойлик ҳам, кашшоклик ҳам бўлмайди; 5) ҳамма одамлар ҳалол меҳнат ва савдо билан шуғулланганлиги туфайли урушлар бўлмайди, давлатлар ўртасидаги муносабатлар тинч йўл билан ҳал этилади; 6) одамлар жамиятдаги тартиблар ва тегишли тарбия воситасида ўзларининг ахлоқий табиатларини ўзгартирадилар ва узоқ умр кўрадилар, одамларнинг бир-бирига зид ҳаракатлари барҳам топади.

Ибн Сино идеал давлат вужудга келишининг туб асосларини энг аввало одамларнинг узидан, уларнинг меҳнатидан, одоб-ахлоқ ва тарбиясидан излаган. Унинг жамият аъзолари, хусусан, ҳукмрон табақалар ва амалдорларнинг ахлоқий жиҳатлари ҳақидаги фикрлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бу кишилар бошқаларга

---

<sup>1</sup> Қаранг: Shasiddinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. 1-kitob. –Т.: «Sharq», 2010, 228-231-betlar.

нисбатан кўпроқ ахлоқий камол топиши лозим. Улар қалбининг поклиги сиёсатнинг асосий тамойили бўлиши керак, деб таъкидлайди. Чунки нопок ҳукмдор ва амалдорлар ёмон қонунлар чиқариши ва ёки яхши қонунларни нотўғри тадбиқ этиши, ёки умуман қонунларни поймол этиши мумкин. Ибн Сино давлат бошлиқларининг иш юритишлари, шахсий сифатлари ҳақида ҳам қимматли фикрларни олға сурган. Айрим ҳукмдорларнинг ўз атрофига ғийбатчи, чақимчи, лаганбардор мулозимларни тўплашни, тўғрисиўз ва ҳақиқатни ёқтирмасликларини танқид қилган ҳамда ўз атрофига садоқатли, ақлли ва тўғри маслаҳатлар берувчи кишиларни тўпловчи одил ва оқил ҳукмдорларни орзу қилган<sup>1</sup>. Агар одамлар ўзларини бошқара олиш илмини эгаллаб олсалар, оила аъзолари, жамият турли табақалари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, муносабатлар уйғунлашиб борса, бундай жамиятни сиёсий бошқариш осон бўлади, деб таъкидлаган.

Ибн Сино жамиятдаги оддий тенгсизликни эътироф этган ва барча одамларнинг бойиб кетишларига, ёки аксинча, камбағаллашиб кетишларига қарши чиққанлар. У агарда барча одамлар бирдек бойиб кетсалар бир-бирларига ёрдам бериш имконияти тугайди, агарда ҳаммаси камбағаллашиб йўқсилларга айлансалар очарчиликдан ўлиб кетадилар деган фикрда бўлган<sup>2</sup>. Одамларни ўзаро ҳамжиҳатликда ҳамкорликда яшашга чақирган, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик бўлишини, мамлакатни адолатли маърифатпарвар шоҳлар бошқаришини, жамиятда илм-фан, маданият ривожланишини орзу қилган. Адолатли қонунга бутун аҳоли ҳукмдор ва хатто пайҳамбарлар ҳам итоат этиши лозим, агар давлат бошлиғининг ўзи адолатсизликка йўл қўйса, халқнинг унга қарши кўзғолон кўтаришга ҳаққи бор, жамият бунга қўллаб-қувватлаши керак, деб ҳисоблаган. У ҳар бир кишининг ўзини-ўзи бошқариш илмини эгаллаши ғоясини ҳам олға сурган. Ибн Синонинг ижтимоий ҳаётга доир фикрлари «Китоб аш-шифо», «Китоб ун-нажот», «Донишнома» каби асарларида берилган.

Ибн Сино ўзининг кўптармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта рол ўйнади. Ўз ижоди, илмий фаолиятида Марказий Осиё, яқин ва ўрта шарқ мамлакатларидаги юқори маданий кўтаринкилик, маданий «уйғониш» нинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди ва бу билан бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

<sup>1</sup> Қаранг: Пўлатов Х., Сулаймонов Қ. Сиёсатшуносликка кириш. Фарғона, 1994, 90-91-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 90-бет.

Марказий Осиёда ижтимоий фанлар мавзусида Каффол Шоший (903-970 йиллар), Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (вафоти 997 йил), Исмоил Журжоний (1042-1136 йиллар), Маҳмуд Чағмоний (12-13 асрлар) каби алломалар ҳам ижод этишган.

Араб олими Ибн Халликоннинг ёзишича қонуншунослардан дастлаб, «Хусни жадал» («Диалектика гўзаллиги») деган асар ёзган киши Каффол аш-Шоший бўлган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб юқоридагилардан кўринадики IX-XII асрларда яшаб ижод этган, маданий «уйғониш» ютуқларини мужассамлаштирган буюк алломалар ўзларининг маҳсулдор ижодлари, бой илмий мерослари билан кейинги ижтимоий сиёсий фикр ривожига катта таъсир кўрсатдилар. Қомусий илм соҳиби бўлган бу алломаларнинг асарлари XII асрдан бошлаб лотин тилига, кейинчалик дунё халқларининг турли тилларига таржима қилинди ва илм-фан хазинасига бебаҳо хисса бўлиб қўшилди.

### **1.3. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида давлат бошқаруви ва сиёсий етакчиликка доир қарашлари**

Низомулмулк (1017, Тус - 1092, Наҳованд) — Салжуқийлар давлати арбоби Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусийнинг унвони, «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби номи билан шуҳрат қозонган. Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига киради. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир бўлади. Салжуқийлар шоҳи Алп Арслон саройида вазирлик мансабига кўтарилади. 1072 йили Алп Арслон ўлдирилгач, унинг ўғли, 17 ёшлик Маликшоҳ (1072-1092 йиллар) саройида Низомулмулк вазирлик қилиб, қарийб давлатнинг ҳамма ишларини ўзи олиб борган. Маликшоҳ уни ўз хомийси — отабек деб атаган.<sup>2</sup> Низомулмулк мамлакатда йирик мулкдорлар ва қабила бошлиқларининг айирмачилик (сепаратистик) ҳаракатларига қарши курашиб, давлатни бошқариш ишларини марказлаштириш сиёсатини ўтказган. 1067 йили

<sup>1</sup> Қаранг: Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар).-Т.: «Халқ мероси», 2001, 85-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003, 348-349-бетлар.

Бағдодда «Низомия» ақоид ва ҳуқуқ мадрасасини қурдиради. 1091 йили «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук») асарини ёзади. Унда давлат бошқарувиغا алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғоқчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, ҳатто шоҳнинг оилавий ишлари, солиқ ва хирож, закот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Асарнинг асосий ғояси шундан иборатки, вазир Низомулмулк. шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорарни виждонли, пок, ҳалол ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлик ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват қилади. Низомулмулк Бағдод сафари йўлида ёлланган қотил тифидан ҳалок бўлади.

Адиб Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" ёки "Сияр ул-мулук" асари салжуқийлар сулоласининг давлат бошқаруви соҳасидаги сиёсий дастури сифатида эътиборга сазовор манба бўлиб, у ўзбек миллий давлатчилиги тарихида ҳам алоҳида қийматга эгадир. Асар IX-X асрларда ҳукм сурган сулоланинг сиёсий дастури бўлиб, унда ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Эронда VI асрдан то XI асргача содир бўлган муҳим сиёсий воқеалар баёни ва ғоявий-мафкуравий жараёнлар юзасидан тарихий маълумотлар келтирилади. Асарда учрайдиган тарихий-фалсафий ва давлат бошқарувида оид маълумотларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- сиёсий тарихга оид маълумотлар;
- ижтимоий-иқтисодий ҳаётга доир маълумотлар;
- маънавий ҳаётга тегишли маълумотлар;
- ислом мазҳаблари ўртасидаги курашлар тарихига оид маълумотлар;
- бошқарувнинг диний ва дунёвий тамойиллари;
- сиёсат фалсафаси, ўзини ўзи бошқарув институтлари.<sup>1</sup>

Қонун устуворлигининг сиёсий-амалий жиҳатлари қонунларнинг подшоҳ ва султонлар томонидан қабул қилиниши сиёсий фаолият бўлиб, улар халқ (раият) ҳаёти билан боғлиқ. Биринчидан, подшоҳ томонидан фармонлар ёзилиб, халққа

---

<sup>1</sup> Қаранг: Низомулмулк, Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук, -Т.:, 1997.

таништириб борилади. Бу оддий ҳол бўлиб кўринсада, ҳозирги сиёсатшунослик учун ҳам кўл келади. Бироқ у жамият ҳаётига монанд тарзда мудом ишлаб туриши шарт. Ана шунда сиёсий институтлар, шу жумладан, уларнинг ижросини таъминловчи идоралар ҳам ҳаёт талабларидан орқада қолмайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳақли равишда, ҳар қандай фармон, фармойишлар, қарорлар фуқароларнинг дунёқаршига айланиши учун ташвиқот ва тарғибот ишларига илмий-амалий жиҳатдан ёндашиш муҳимлигини таъкидлаган эди. Иккинчидан, агарда фармонга салбий муносабат билдирилса ёки унинг ижроси чўзилиб кетганлиги тўғрисида хабар етса, подшоҳ масъул ва мутасадди шахслар учун жазо белгилаган (улар ўз яқинлари бўлса ҳам). Чунки, марказлашган давлат сиёсати шох фармонига сўзсиз итоат этишни талаб қилади. Бу ўша даврнинг энг олий сиёсати эди, албатта.

Учинчидан, шох, султон фармонлари барчага тааллуқлидир, уни ҳатто хукмдорга яқин одамлар ҳам бузиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Низомулмулк қонун ва сиёсат олдида ҳаммани тенг, деб қараган. "Сиёсатнома" асарида давлат бошқаруви ҳақида кенг фикр юритилган, ундаги ривоятлар, ҳикоятлар, афоризмлар Низомулмулкнинг жамият ва давлатни бошқариш, фалсафа, ахлоқ масалаларига оид жавобларидир. Асарда жамият ва давлатни бошқариш масалалари фалсафий-ахлоқий ёндашув орқали очиқ берилган. Донишманднинг сиёсий-фалсафий қарашларида подшоҳ (султон), халқ (раият) ва шахс (фуқаро) ўртасидаги муносабатларда уйғунликни таъминлаш асосий ўринда турган.

Низомулмулк марказлашган давлат куриш тарафдоридир. Тўғри, у марказлашган давлат барпо этиш учун ижтимоий-сиёсий лойиҳалар, истикболли дастурларни тавсия қилмайди, аммо ислоҳотлар ўтказишни ўртага ташлайди. Унинг мушоҳадалари подшоҳ (султон) билан халқ (авом), амалдор(хизматчи)лар билан киши(фуқаро)лар ўртасида муроса муносабатларини қарор топтиришга қаратилган.

Инсонпарвар подшоҳ давлатни узоқ бошқаради, халқ фаровонлигини ўйлайди, зўрлик ишлатмайди. «Ким инсонпарварликка чиндан интилса, у ҳеч қачон ёмон ишлар қилмайди... Ким инсонийликни севса, ундан юқори нарса йўқ деб ҳисоблайди», деган ғояни ўз даврида аллома Конфуций илгари сурган эди. Бундай ғояларни Низомулмулкда ҳам кузатиш мумкин. Демак, инсонпарварлик

шахслараро муносабатлардангина иборат эмас, у жамият ва давлатни бошқаришга ҳам тааллуқли воқелиқдир. Тўғри, баъзан Низомулмулк инсонийликни кичикларнинг катталарга хурмат кўрсатиши, деб ҳам талқин қилади. Кейин ушбу талқинни подшоҳ (султон) ва халқ (раият), амалдор (хизматчи) ва фуқаро (инсон), давлат ва шахс муносабатларига кўчиради. Қандай бўлмасин, жамият ва давлатни бошқаришда инсонийлик, инсонпарварлик тамойилларига таянишга даъват - Низомулмулк ижодидаги олижаноб жиҳатдир.

Халқ, одамлар, амалдорларнинг қандай сифатларни ўзида шакллантириши ёки улуғлаши подшоҳ (султон)даги фазилатларга бевосита боғлиқдир. Бу ўринда Шарк халқларига хос бўлган «араванинг катта ғилдираги қаердан юрса, кичик ғилдирак ҳам шу ердан юради», деган мақол эсга тушади. «Халқни ўз кетидан эргашишга мажбур қилиш мумкин, лекин у нима учун мажбур қилинаётганини билмаса, давлат учун ёмондир». «Хукмдор ўз ахлоқини тузатмаса, у кичик одам, халқ ахлоқини ҳам тузатолмайди», "бадахлоқлик охир-оқибатда давлатни, бошқарувни таназзулга олиб келади..."<sup>1</sup> Бундай сиёсий қарашлар Низомулмулк асарининг мақсадини ифода қилади.

Агар Низомулмулк Макиавелли, хукмдор халқни, давлатни куч билан, қурол ишлатиб ушлаб туриши зарурлигини таъкидласа, Низомулмулк сиёсий жиҳатдан бошқаришни ёқлайди. Шубҳасиз, Низомулмулк Макиавелли қадимги Рим ва Греция давлатларида шаклланган идора усулларини ўрганиб, улардан зарур хулосалар чиқариб, деспотияни илгари суради. Ҳокимиятда турли манфаатлар, интилишлар тўқнашади, уларнинг барчасини қўллаб-қувватлаш подшоҳ (султон)ни тилёғламалик қилишга, натижада умумманфаатларни унутишга мажбур қилади. Шу нуқтаи назардан, Низомулмулк Макиавелли хукмдор куч ишлатишга мажбур, деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, давлатни бошқариш ўша даврга нисбатан ўзига хос функцияларни бажарди. Мақсадни белгилаш ва сиёсий дастурлаштириш шуларнинг асосийларидир. Бу функциялар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий қатлам, кичик гуруҳ манфаатларига мос келувчи мақсадлар тизимини, шунингдек, уни амалга ошириш учун зарур стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш - ҳар қандай сиёсатнинг асосий вазифасидир.

---

<sup>1</sup> Низомулмулк, Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк, -Т.:, 1997, 20-бет.

Кайковуснинг «Қобуснома» асари - Шарқ ва Марказий Осиё халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-таълимий асар, форс-тожик бадиий насрининг биринчи ва йирик ёдгорлиги (XI-аср). Табаристон (Мозандарон) ҳукмдори Шамс ал-Маолий Қобуснинг набираси Унсур ал-Маолий (Кайковус, 1021—98) томонидан форс тилида ёзилган (1082—83) ва «Насиҳатномаи Кайковус» деб аталган. «Қобуснома» шу асарнинг ўзбекча таржимасидир. Муаллиф асарни ўғли Гилоншоҳга бағишлаган.<sup>1</sup>

«Қобуснома» асосини Қуръони карим суралари, Муҳаммад (сав)нинг фаолияти ва курсатмаларини ифодаловчи ҳадислар, ҳикматли ҳикоятлар ташкил этади. Асар 44 бобдан иборат. Дастлабки 4 боби Ҳақни танимоқ, Пайғамбарларнинг хилқати (яратилиши), Аллоҳ неъматига шукур қилмоқ ҳақида бўлиб, қолган 40 боби отаонани ҳурматлаш, илмий билимларни, санъатни эгаллаш, ҳарб, савдо, деҳқончилик ишлари ва ҳунарни ўрганиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, фарзанд тарбияси, саховат ва жувонмардлик каби кўплаб масалаларни ўз ичига олади. Асарда ҳунар ва илм жамият тараққиётининг асосий омиллари деб қаралади. Одамлар 3 гуруҳга булиниб, уларнинг жамиятда тутган ўрни белгиланади; одамларнинг фазилатлари ҳам 3 гуруҳга булинади: ақллилик, ҳақгўйлик, жувонмардлик.

Кайковус дунёдаги мавжудотни бир-бири билан боғлиқ ва муросасиз деб талқин қилади. У киши руҳиятини ҳам 2 гуруҳга бўлади: жисмоний сезгини модда, руҳий ҳиссиётни эса «жон» билан боғлайди ва буларнинг бирини моддий, иккинчисини руҳий ҳаёт маҳсули деб кўрсатади. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарсалар яралиши ва моҳият эътибори бн илоҳийдир. Зеро, инсон Аллоҳни танимоқ учун авваламбор ўзини билмоғи, яъни «созга қараб созандани танимоғи лозим», дейди. Бу каби масалалар китобда ихчам ҳикоятлар, ривоятлар, шеър ва латифалар, мақол ва ҳикматлар ёрдамида баён қилинади.<sup>2</sup>

«Қобуснома» рус ва Ғарб шарқшуносларининг, Шарқ олимлари ва педагогларининг диққатини анчадан бери ўзига тортиб келади. Асар турк (1432, 1705), уйғур (1786-87), немис (1811), ўзбек (1860, Огаҳий томонидан), татар (1881),

<sup>1</sup> Ҳабиб Абдуназар. «Қобуснома». Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, 33-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Кайковус. Қобуснома. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов. –Т.: «O'qituvchi» НМИУ, 2006

француз ва рус (1886) тилларига таржима килинган. Огаҳий таржимасининг 2 кўлэзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида, яна бир кўлэзма нусхаси Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин номидаги Халқ кутубхонасида сақланади. «Қобуснома»нинг Субутой Долимов томонидан ҳозирга ўзбек тилига ўгирилган нусхаси Тошкентда 3 марта нашр қилинган.<sup>1</sup>

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам шу даврда яшаб ижод этган мутафаккирлардан бири бўлиб, сиёсий етакчиликка доир бир қатор фикрлар билдириб ўтган. Унинг (асл исми Юсуф) (тахм. 1020-1021, Болосоғун) — туркигўй шоир, мутафаккир, давлат арбоби. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берувчи ягона манба ҳам «Қутадғу билиг» китобидир. Ушбу китобга кўра, у замонасининг барча асосий илмларини атрофлича урганган, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Маҳмуд Кошғарий каби туркий тилнинг мавқеини ошириш, унинг маданий-адабий ҳаётдан ўзига муносиб урин эгаллаши учун курашган.<sup>2</sup>

Унинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим», 1069-1070) асари исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам кўтарди. У нафақат туркий халқлар адабиети анъаналари, балки қардош халқлар, жумладан, форсий адабиёт тажрибаларини ҳам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган. «Шоҳнома» каби мутақориб вазнида ёзилган ва «Туркий Шоҳнома» номи б-н шухрат қозонган (73 боб, 6520 байт ва тўртликлардан иборат).

Қорахоний ҳукмдор Тавғоч Бугрохон мутафаккирга «Хос Ҳожиб» («Эшик оғаси») унвонини берган. Шундан кейин шоир «Юсуф Хос Ҳожиб» номи билан машхур бўлган. Шоир умрининг охири қорахонийлар давлатининг таназзули даврига тўғри келган, шунга мувофиқ ҳаёти ҳам оғир кечган. Шоирнинг Қашқардаги мақбараси зиёратгоҳга айланган.

Юсуф Хос Ҳожиб (XI-аср) ҳозирча бизга маълум бўлган ягона дидактик бадий-фалсафий «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим») асари билан машхур. Асар 13,5 минг мисрадан иборат бўлиб, туркий тилда ёзилган, муқаддима, хотима ва 73 бобни ўз ичига олган асосий қисмдан иборат.<sup>3</sup> Асосий қисм мазмуни

<sup>1</sup> Ҳабиб Абдуназар. «Қобуснома». Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, 33-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, 347-3048-бетлар.

<sup>3</sup> Очиллов Э. «Қутадғу билиг». Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, 170-бет.

ва мундарижасига кўра асарни минтақа адабиётининг биринчи босқичида яратилган туркий тилдаги ислом маънавиятининг бадий-фалсафий, ижтимоий, ахлокий қомуси деб аташ мумкин. Унда одоб-ахлоқ, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, сўзнинг аҳамияти ва кадри, меҳмондорчилик қоида, турмуш тарзи ва инсон маънавий оламининг яна бошқа кўплаб масалалари баён қилинади. Юсуф Хос Ҳожиб марказлашган кучли давлат тузиш тарафдори бўлган. Шунга кўра асарда шундай давлат учун курашувчи донишманд, адолатли ҳукмдор ҳақидаги ғояни олға суради. Халқ ва давлат, давлат бошлиғи ва фуқаро, олим ва ҳоким, кўшни давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар, ҳукмрон табақаларнинг ҳокимият, халқ олдидаги бурчи ҳақида ёзади. Зиёлилар, деҳқонлар, чорвадорлар, касиб хунармандлар, савдогарлар, камбағал-қашшоқлар ва бошқа барча ижтимоий гуруҳ, тоифа ва табақаларнинг ҳаёт тарзлари, дунёқарашлари, одатлари, ахлоқлари ҳақида ҳам қимматли материаллар бор.

Асар(достон)да фалаккиёт, география, тарих, ахлоқшунослик, этнография, илму нужум, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, жабру муқобила ва ижтимоийёт фанларини ўрганишнинг аҳамиятига ҳам тўхталинган

Асарнинг асосий қаҳрамонлари қуйидаги тўрт тимсолдан ташкил топган: 1) Адолат – у бош ҳукмдор, унинг номи Кунтуғди, у қуёшдан барчага баробар нур таратади; 2) Давлат – туркийда Қут, у бош вазир, унинг исми Ойгўлди. Қут ёки Давлат ички, мазмуний тушунча бўлиб, Бойлик, Барака, Омад, Қудрат маъноларини ўзида жамлаган, ҳукмдорнинг таянчи, унинг белига қувват, кўзига нур, мулкига фаровонлик бахш этувчи бош маслаҳатгўй ва нозир. Аммо Ойгўлдининг умри фоний, Давлат, Бахт, Омад деган нарсалар пайдор эмас, осмондаги ой сингари гоҳ тўлиб балқийди, гоҳ ҳилол сингари нозиклашиб, қувватдан кетади, орада кўринмай қолиши ҳам мумкин. Ойгўлди хасталаниб ўлгач, Ўгдулмиш унинг ўринбосари, ҳукмдорининг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади. Ўгдулмиш Ақл ва Билим рамзи. Агар Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи бўлса ақл ва билим уларнинг ўрнини боса олади. Бу ерда Ақл ва Билим учинчи тимсол бўлиб келади. Асли асарнинг бош қаҳрамони Ўгдулмиш, яъни Ақл ва Билимдир. Шу сабабли достоннинг асл номи ҳам «Қутадуғу билиг» яъни «Бахтга элтувчи билим» деб аталган. Бахт, қут-барака, омад, қудрат манбаи бўлиш билим билан боғлиқдир;

4) Қаноат. Агар инсонда, жамиятда қаноат бўлмаса унинг барча ҳосияти бир пул, оқибати аянчлидир. Қаноатнинг исми Ўзғурмиш бўлиб, у Ойтўлдиннинг Ўгдулмишнинг қариндошидир. Аммо Ойтўлди қариндошини эсламайди, Бахт ва Омад Қаноатни хотирга келтирмайди. Ҳукмдорга (элигга) Ўзғурмиш қариндоши ҳақида Ўгдулмишни эслатади, яъни Адолат Ақл ёрдамида Қаноатдан хабар иопади ва унинг суҳбатини истайди. Асар охирида Ўзғурмиш ҳам хасталаниб вафот этади. Кунтуғди ва Ўгдулмиш яъни Адолат ва унинг бош маслаҳатчиси Ақл қоладилар<sup>1</sup>.

Жамият, халқ бахти учун, адолат тантанаси учун ўз умрини бағишлаш асарнинг бош йўналиши ҳисобланади. Унинг суюкли қахраомни Ўгдулмиш, яъни Ақл ва Билим эгаси умрини Адолат хизматига бағишлайди.

Асар ҳаёт билан узвий боғлиқ ҳаёт ҳақиқатлари билан тўлган. Унда ўша замон турмушининг барча қирралари, икир-чикирлари зиддиятлари ўзифодасини топган. Ўша давр ижтимоий ахлоқий воқелигининг кўп хилма-хил жиҳатлари асар мазмунига сингиб кетган Юсуф хос Хожиб фикрича, фуқароларнинг билимлари ақл заковати, ўқув ва идрокига қараб турли даражада бўлади. Уларнинг жамиятдаги ўрни ҳам шунга мувофиқ. Яъни чуқур билимли одамлар бошқарувчи-раҳбар, саёз билимлилар эса бошқарилувчи-фуқаро. Жамият аъзоларининг мавқеи ана шу билим, ақл заковат, ўқув-идрок даражасига кўра белгилансагина чинакам тараққиётга эришилади. Бу тўғрида у «шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўлади. Бу ндайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш ўқуви билан ҳам сийлайди»<sup>2</sup> деб ёзган эди.

Юсуф Хос Хожиб раҳбар танлашда тил ва муомалани билимдан кейинги ўринга қўяди. Чунки давлат бошқарувида билим ва ақл-заковат қанчалик аҳамиятли бўлса, муомала маданияти ҳам шунчалик муҳим. Унинг таъкидлашича, давлат бошқарувида муайян даражада муваффақиятга эришмоқ учун раҳбар амалда ҳам сўзда ҳам эзгуликка интилиши лозим. Сўзи ва амали бир-бирига зид бўлган раҳбар эл назаридан қолади. Оқибатда мамлакатда парокандалик келиб чиқади давлат таназзулга учрайди.

Асарда раҳбарга хос бўлган бошқа хусусиятлар ва улар келтирадиган фойдаларга ҳам тўхталиб ўтилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб,-Т.: «Халқ мероси», 1995, 64-65-бетлар.

<sup>2</sup> Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг.-Т.: «Фан», 1971, 329-бет.

Умуман асарда жамиятни тубдан ўзгартириш эмас, балки уни мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш унга такомил баҳш этиш ҳақида сўз боради. У бадий жихатдан юксак даражада ёзилган воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир ҳаёти ўзаро ниҳоятда уйғунлашиб кетган. Асар нафақат тилшунослик, адабиётшунослик ва тарих нуқтаи назаридан, балки барча ижтимоий фанлар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Хуллас бу асар минтақа сиёсий қарашлар ривожининг ушбу босқичи учун маълум маънода яқунловчи асар бўлди. У халқаро майдонда ҳам тан олинган ва дунёдаги жуда ҳам кўп халқлар тилларига таржима қилинган.

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўринадикки, IX-XII асрларда Марказий Осиёда илм-фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани каби тарих, адабиёт ва бадий ижод ҳам юксалди. Жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасига бебаҳо бойлик бўлиб қўшилган ўлмас асарлар яратилди.

## **II боб XIV-XV асрларда жамият ва давлатни бошқариш илмининг ривожланиши**

### **2.1. Амир Темурнинг давлатни бошқариш таълимоти**

Узоқ вақт мўғул мустамлакачилигига қарши олиб борилган кураш XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб соҳибқирон Амир Темур бошчилигидаги мустақиллик учун курашлар ғалабаси ва Моварауннаҳрда ягона марказлашган давлат барпо этилиши билан якунланди.

Амир Темур давлати ўз даврида Европа ва Осиёдаги энг йирик, мустаҳкам ва ривожланган давлат сифатида танилди. Соҳибқирон вафотидан сўнг ҳам XVI аср бошига қадар унинг авлодлари мамлакатга ҳукмронлик қилдилар.

Моварауннаҳр ва Хуросонда Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даври (XIV асрнинг 70-йиллари XV аср) илм-фан ва маданият ривожланган йиллар бўлди. Бу давр мўғуллар истилоси натижасида узилиб қолган илк уйғониш даврининг давоми бўлиб, тарихда сўнгги уйғониш даври деб ном олган. Унинг маънавий-маданий ҳаётида инсоний қадриятларнинг юксак ҳислатлари – илмга интилиш, билимни кучайтириш, ақлни улуғлаш, инсонийлик, руҳий покланиш ахлоқий камолотга эришув, адолат, ижтимоий юксалиш, барча учун бахт-саодат, дўстлик биродарлик, комил жамоа ва комил инсонни яратиш каби масалалар олға сурилди. Улар муҳим илмий тадқиқотлар, адабиёт, санъат, диний асарларнинг мазмунини ташкил этди. Бу даврдаги олим, мутаффаккир, донишманд, санъаткорларнинг кўпчилиги шу мақсад йўлида ижод қилди.

Уларнинг раҳнамо ва ҳомийлари буюк соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар эди. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мухаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлиқ чоғидан мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақл-идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни ҳарбий санъатни эгаллади. Куръони Каримни ёд олди. Ҳадис илмини ўрганди. Иймонли эътиқодли, халол пок инсон бўлиб етишди»<sup>1</sup>. Шунга кўра совет тузуми даврида яқка ҳоким коммунистик мафкура ва буюк давлатчилик шовинизми ғояси асосида Амир Темурни саводсиз деб ҳисоблаб, унинг ибратомуз, кўпқиррали фаолияти туфайли яратилган бой маънавий мероси сохталаштирилиб, ундан татайлаб нуқсонлар ва хатолар излашга

---

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида.-Т.: 1996, 12-бет.

ҳаракат қилинганлиги тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Саводсиз одам қандай қилиб ўз даврининг қимматбаҳо қонунномаси бўлган «Темур Тузуқлари»ни ёзиши, ниҳоятда кенг ҳудудда – Ҳинд океани соҳилларидан Волга дарёсигача, Мўғул даштларидан Ўрта ер денгизигача ташкил топган қудратли давлатни бошқара олиши мумкин эди. Бунинг учун нафақат одил, моҳир арбоб, даставвал инсонпарвар, қонун-қоидаларни тўла эгаллаган, ҳар соҳада билимдон ва донишманд подшоҳ зарур эди. «Темур Тузуқлари» соҳибқирон нақадар истеъдоли, кўпқиррали, ўқимишли, ҳукмдор эканлигининг ёрқин ифодасидир. Унинг шариат қонунларигатаяниб одилона ҳукмронлик қилгани, қонунчиликни ҳар томонлама ривожлантириб, давлатни «адолат ва инсоф билан бошқариб, тангрининг яратган бандаларини» ўзидан рози этганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Соҳибқирон салтанат тжини кийгач, ўз ибораси билан айтганда, тинчлигу соғлигини йўқотиб, хузур-халоватидан воз кечиб, ранжу-меҳнат ва азму-жазм билан иш тутган ҳукмдор эди. «Ҳайр-эхсон ишларим билан, - деб таъкидлайди одил амир, - одамлар кўнглидан жой олдим.тўғри сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларни раиятни умид ва кўрқинч орасида сақладим. Фуқаро ва кўл остидагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим»<sup>1</sup>.

Буюк соҳибқирон салтанати Евроосиёдаги энг сўнгги йирик давлат бўлиб, унинг ҳукмронлик қилиш қобилияти ёлғиз ўзига хос, барча эришган ютуқларига ўз даҳоси билан етган ҳукмдор. Унинг маъмурий ва сиёсий ислохотлари, давлатни бошқариш тамоиллари адолатга асосланиб амалга оширилган. Мусалан, у фармон ва фармойишларини чиқаришда ўзига хос алоҳида дипломатик тамоиллар ишлаб чиққан ва янги усулда жорий қилган. Амир Темурнинг бу соҳада қилган энг катта ишларидан бири давлатчилик ғоясини юқори даражага кўтариб, уни бошқаришда йирик ислохотлар ўтказган.

Айниқса давлатнинг бош таянчи ҳарбий кучни такомиллаштириш, муайян ҳарбий тактикага асосланган, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминланган, тартибли армияни яратишда жуда катта ишларни қилган. Соҳибқирон шубҳасиз улуғ ҳарбий даҳо, у ўзининг ниҳоятда чидамлилиги билан машаққатли юришларга

---

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида.-Т.: 1996, 12-бет.

бардош бериб бошқаларга намуна бўлган. Соҳибқироннинг ҳарбий санъати ва маҳорати шунча зўр бўлганки, уни кейинги кўпгина йирик саркардалар ўрганиб амалда қўллаганлар умуман, Амир Темурнинг давлатни бошқарув услуби ва ҳарбий саркардалик санъати жуда кўп ғарб ва шарқ ҳукмдорларига маъқул бўлиб, бобокалонимизни буюк давлат арбоби сифатида тан олишган ва унинг бошқариш услуб ва ғояларини қабул қилишган. Кўплаб далилларга асосланиб айтиш мумкинки соҳибқирон ўзининг ижтимоий сиёсатида ва этномаданият соҳасида инсон жамият ва табиатга чексиз ғамхўрлик намоён қилган. Чунки ҳар бир давлатнинг куч-қуввати даставвал халқ фаровонлигига, мамлакатнинг осойишталигига боғлиқ. Соҳибқирон яхши тушунганки, раият қанчалик тўқ-фаровон бўлса, давлат шунчалик бақувват бўлади, уни ҳеч қандай душман енга олмайди. Мазкур ғояга таянган Темур мамлакатни бой қилиш, фаровон ҳаёт ўрнатиш сиёсатини олиб борган. Унинг барча ишлари жиддий ва изчил халқпарварлик руҳи билан суғорилган.

Марказий Осиё халқлари ва бўйсундирилган мамлакатлар аҳолисининг хўжалик, маданий ва ижтимоий-иқтисодий тамойиллари катта империяни бошқаришда нафақат зўр маҳорат ва гуманистик фаолият талаб қилибгина қолмай. Теран ва кенг тафаккурли, билимдон, юксак маданиятли ва одил арбоб бўлишини тақозо этган. Шунинг учун ҳам соҳибқирон барча забт қилинган мамлакатларда миллати, иркидан қатъий назар, ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расм-удумлари, мижозидан воқиф бўлиб турган, ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, туриш турмушини, кайфиятини яхши билган.

Темурнинг ташқи сиёсатдаги донолиги маҳаллийчилик ёки қабилавий ҳақимликдан устун бўлган геосиёсий қонунийликни юзага келтиришдан иборат бўлган. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, Соҳибқирон фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан аксинча турли маданиятларни қўшиб, тарихда биринчи бўлиб глобал Евроосиё ғоясини ишлаб чиққан эди. Амалий жиҳатдан зўр аҳамиятга эга бўлган бу сиёсат турли этномаданий ҳислатларни бирлаштириб қудратли куч ҳосил қилган. У донолик билан кўчманчиларнинг ҳаракатчанлик қобилятини, мўғулларнинг жасоратини, ўтроқ аҳолининг бунёдкорлигини мўминларга хос иймон-этикодни ўзида мужассамлаштирган сиёсатни амалга оширган. Амир Темурнинг геостратегияси ва олиб борган ислоҳотчилик фаолияти ва ҳарбий

юришлари тўғридан-тўғри бўлмасада, маълум маънода ўзга мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бунга тарихий далиллар етарли.

Давлат куч-қудратининг муҳим омилларидан бири унда қонун устуворлиги таъминланганлигидир. Мамлакатда қонун олдида ҳамма бир – вазир ҳам, саркарда ва лашкар ҳам, савдогар ҳам, оддий фуқаро ва олий мартабали шахзода ҳам. Соҳибқирон қонунга таяниб амиру уламолар, вазиру лашкарбошилар, олиму донишмандлар билан кенгашиб иш юритган.

Темурга зўр обрў келтирган катта ижтимоий сиёсат шундаки, у барча раият аҳволидан хабардор бўлибгина қолмай, ўз ибораси билан айтганда «улуғларга оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриб» муносабат қилган, «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини» ўзидан рози этган. «Темур Тузуклари»да Соҳибқирон шундай дейди: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз билдим, сайидлари, уламолари, фузало ва машойиҳига таъзим бажо келтирдим ва хурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оғаниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим»<sup>1</sup>.

Фақат чинакам гуманистик хис-туйғуларга эга бўлган инсон ва элга меҳр кўйган ҳукмдор салтанатни идора этишда ўзига қарашли ҳар мамлакатда яхши кишиларга яхшилик қилган, нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқси одамларни мамлакатдан қувиб чиқарган. «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, - деб ёзади Амир Темур, - зулму ситам йўлини тўсдим. Ўз эрки билан менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукуматини қайтариб бердим ва уларни инъому эҳсон билан кадрлаб ўзимга мутеъ қилиб олдим, бўйсунмаганларини эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим»<sup>2</sup>.

Бундай ниҳоятда оқилона инсонпарварликка асосланган ички ва ташқи сиёсат Соҳибқиронга жаҳон миқёсида юксак обрў келтирган ва Ҳинд океани соҳилларидан Волга бўйларигача, Мўғул даштларидан Болқон ва Ўрта ер денгизи субтропик тупроғигача буюк қудратли империяни бунёд этишда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилган эди. Ўз сиёсатини донолик билан амалга ошириш мақсадида асл зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофига бирлаштирган.

<sup>1</sup> Темур тузуклари.-Т.: «Ғофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996, 118-119-бетлар.

<sup>2</sup> Темур тузуклари.-Т.: «Ғофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996, 119-бет.

Улар гўё бир тандек, барчаларининг мақсадлари, сўзлари ва ишлари битта бўлган. Амир Темур қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлса, хатога йўл қўймаслик учун, тўғри тадбир ва кенгаш билан ҳар қадамни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан иш тутган. Энг муҳими, қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмаган.

Адолат тарафдори ва халқпарвар Соҳибқирон мамлакатда жабр-зулм ва фиску фасод бўлмаслиги, осойишталик ва фаровон турмуш ўрнатилиши тарафдори бўлган. У ўз олдида мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган барча ҳокимларга кабиҳ хатти-харакати, золимлик ва зўравонликдан, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш зарурлигини амр этган. Чунки, унинг таърифича, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади, бу эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига ва салтанатнинг кучсизланишига сабаб бўлади. Шунинг учун солиқ ишларида деҳқоннинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг розилиги билан хирож тузугига мувофиқ одилона иш тутиш қатъиян талаб қилинган солиқ тўловчи олиқ-солиқни буйруқ бермай ва яхши сўз билан олиши калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормаслиги, уларни банд этиб, занжир билан кишанламаслиги амр қилинган.

Халқ ғамида ҳукмронлик қилган Амир Темур «Кимки бирон саҳрони обод қилса биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар. Учинчи йили эса, олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин»<sup>1</sup>, деб ҳукм чиқарган. Шуниси муҳимки, унинг буйруғи билан ҳар ер ва элнинг амалдорлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқалибечораларга зарар етказган бўлса, бундай вақтларда етказилган зарарни амалдордан ундириб, жабр кўрганларга бериш шарт деб ҳисобланган. Ҳароб бўлиб ётган ерларнинг эгаси обод қилишга қурби етмаса унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берилсин, токи ўз ерини обод қилиб олсин деб ҳукм чиқарган. Соҳибқирон боғ-роғлар яратиш савоб иш эканлигини доимо қайд этиб, хамишалиғ

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 124-бет

таъкид этур эдим: хон бўлсанг боғ ярат, гадоё бўлсангда боғ ярат – бир кунмас бир кун мевасини татурсан, деб таъкидлаган.

Амир Темур Моварауннаҳр ва Хуросоннинг катта-кичик катта ирригация иншоотлари, сув омборлари ва ховзлар қурдириб, ўлканинг сув танқислиги кучли бўлган худудларини сув билан таъминлаган. Соҳибқирон эл-юрт ободонлиги учун хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қуришни, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қуришни ва йўлларни тузатиш ва сақлаш ишларини бажарувчи соқчилар қўйишни буюрган. Йўловчилар ғафлат босиб молларини ўғирлатиб қўймаслиги учун уларни муҳофазалаш вазифаси ҳам ўша соқчиар зиммасига юкланган. Бозор иқтисодига катта эътибор берган Соҳибқирон савдогарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Темур ўғитларида шундай ҳукм мавжуд: «Сармоёси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоёсини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин...»<sup>1</sup>. Унинг фармони билан ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва кавонбошилартайинланиб, улар ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг аҳволи, туриш-турмуши тўғрисида хабар етказиб турган. Карвонларга хужум қилган ҳамда талаганлар қаттиқ жазоланган. Нарҳлар устидан назорат ўрнатилган – бозорларда нарҳларни ҳаддан ташқари кўтариб юборганларни ҳам қаттиқ жазолашган. Бундай сиёсат ички ва ташқи савдо ривожланишига ва Буюк Ипак йўлини мўғул истилосидан кейин қайта тиклашга имкон яратди.

Амир Темур амалга оширган муҳим ижтимоий тадбирлардан бири шуки, янги қишлоқлар ва қалъалардан ташқари, шаҳарлар атрофида ҳовли жойлар, боғ-роғларбарпо қилган, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда масжид, мадраса, ва хонақоҳлар бино қилинган, фақиру мискинларга лангархоналар, яъни йўловчилар қўниб ўтадиган жойлар, камбағал, етим-есирга овқат бериладиган ғарибхоналар солинган, касаллар учун шифохоналар қурилган ва уларга хизмат қилиш учун махсус табиблар тайинлаган, маъмурий дор ул-аморат (ҳукмдор саройи), дор ул-адолат (қозихона) ва бошқа иморат ва иншоотлар қурилганю бутун мамлакатда солиқлар тизимимуайян даражада тартибга тушган.

Соҳибқирон амалга оширган ижтимоий, иқтисодий ва маданий тадбирлар, давлат ва ижтимоий тузум ислохотлари Марказий Осиё халқлари – ўзбеклар,

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари.-Т.: «Ғофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996, 85-бет.

козоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқа этник гуруҳларнинг консолидация ва интеграция жараёнига зўр таъсир ўтказган муҳим омиллардан бири ҳисобланган. Темур ва темурийлар даврида қадимги воҳалар атрофидаги чўл ҳудудда ишлаб чиқариш хўжалигининг ривожланиши, феодал ер ва сув тизими туфайли узилган алоқалар ва минтақа тарқоқлигининг тугатилиши, Моварауннаҳр шаҳарларидаги маданият, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиш асосида аҳоли этник харитасини ўзгартириш қабилавий зодагонлар ўрнига янги маъмурий табақаларнинг пайдо бўлиши ва бошқа тадбирлар ўлкада этномаданий ва этносиёсий жараёнларга кучли таъсир қилган.

Ўша даврдаги Моварауннаҳрни ташқи дунё билан боғлаб тургун қарвон йўллари бир неча тармоқдан иборат бўлган: шимолий йўл уни Волга бўйи ва Олтин Ўрда ҳудудига, Қозоғистон ва Хоразм орқали иккинчиси жануб ва жануб ва жануби шарқдаги мамлакатлар билан, айниқса Хуросон, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон, ҳатто Хитой билан боғлаган йўллар мунтазам равишда иқтисодий-сиёсий алоқаларни олиб боришга имкон яратган. Темурийлар даврида турли мамлакатлар билан ўрнатилган ҳар хил алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур жараёнда айниқса мусулмон мамлакатлар билан алоқани мустаҳкамлашда ислом дини ҳам соҳибқиронга ғоявий байроқ ва таянч бўлиб хизмат қилган. Амир Темур ислом асосларини чуқур эгаллаган ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, тарбиявий ишларида диндан ахлоқий-маънавий омил сифатида оқилона фойдаланишга ҳаракат қилган. «Темур тузуклари»да диний ва ижтимоий онг шакли жамиятни мустаҳкамлашда ва элатни жипслаштиришда зарур воситалиги юр неча бор таъкидлаб ўтилган. Соҳибқирон мусулмон дини пешволарига, уламоларга, сўфий шахсларга ниҳоятда ҳурмат билан қараган уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаган.

Амир Темур дунёдаги ҳамма нарсани билувчи ва ҳал қилувчи, даставвал Оллоҳ, қолаверса, инсоннинг самарали тарбияланиши, ақлию амалиётини ўзлаштириб, ўзини-ўзи бошқариши деб ҳисоблаган. Соҳибқирон дунёқарашида инсон тарбияси, одоб-ахлоқи, уни адолатни севишга, ватанпарварлик ва инсонпарварликка ўргатиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли у ёшларга билим бериш уларнинг ақлий фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир шаҳарда масжиду мадрасалар қуриш, уламою домлаларни моддий раҳбатлантириш

сиёсатини амалга оширган. «Яна тажрибамдан кўриб билдимки, - деб ёзади Соҳибқирон, - давлат агар дину қоида асосида қурилмас экан тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади... шунингчун мен ҳам ўз салтанатим биносини дину ислом тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида адо этдим»<sup>1</sup>.

Амир Темур ўз тузуқларини авлодларга намуна ворислар салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдаланар, деган умид билан яратган. Унинг бахтиёр фарзандлари ва иқтидорли набиралари салтанат мартабасига эришгач, амал қилиши зарур бўлган энг дастлабки шиори қуйидагича таърифланган: «Давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим шулким, Тангри таоллонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим»<sup>2</sup>. Тузуқларда қайд этилганидек, «давлат агар дину ойин (қоида ва расм-удум) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарки, уни кўрган ҳар кимса, нигоҳини олиб кочади ёхуд ҳар хал қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги тўсиғи йўқ уйга ўхшайди»<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам, - деб тарифлайди Амир Темур, - «мен ўз салтанатим биносини дину ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим... жаҳоннинг турли мамлакатлари катта кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим.ўз салтанатимни шариат билан безадим»<sup>4</sup>. Шу тариқа у ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмонлар мамлакатларига ёйган ва унга раванк берган.

Барча қонун-қоидаларни Қуръон ва шариат асосида такомиллаштириб давлат ишларини «доимо маслаҳат , кенгаш, тадбиркорлик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик, муросаю- мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан» юргизган Соҳибқирон забт қилган ўлкаларда даставвал маҳаллий зодагонлар ва олим-уламоларга таянган, фақир-бечораларни қўллаб қувватлаган.

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари.-Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996, 72-73-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 68-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 72-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. 72-73-бетлар.

Соҳибқироннинг муҳим ғазилатларидан бири, у қайси бир мамлакатга юриш қилмасин, аввало ўша мамлакатнинг қонун-қоидалари, турмуш тарзи, сиёсий-ижтимоий аҳволи тўғрисидаги барча ёзма манбаларни шахсан ўзи ўрганган ва шунга мос келадиган қонунчилик асосида ҳукм чиқарган. Унинг таърифича, таслим бўлган ўлкаларда амир ҳукми билан ажнабий фуқароларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, мусулмон қонуншунослиги-фикҳдан дарс берсинлар деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайинлаган. Соҳибқироннинг саҳийлиги туфайли унинг амри билан ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар ва хонақолар, йўловчи мусмонлар учун йқл устига работлар бино қилинган. Дарёлар устига кўприклар қурилган.

Амир Темур ўз фаолиятида адолатга таянган ҳолда фуқароларининг онгини ўстиришга, мусулмончилиқни уларнинг чуқур жо бўлишини таъминлашга интилган. Шу мақсадда у барча ўлкаларда сайидлар, уламою машоихлар, оқилу донолар, файласуфлар, тарихчиларни эътиборли одамлар деб ҳисоблаб уларнинг иззату ҳурматини жойига қўйган. Соҳибқирон шижоатли кишиларни дўст тутган, илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпинган, дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутиб, уларни ранжитмаганталабларини бажарган. Соҳлом авлод тарбияси йўлида барча тадбирларни амалга оширган, насл-насабга зарар келтирадиган гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби иллатларга қатъиян қарши чиққан.

Адолатпарвар подшо халқ фаровонлигини доимо ўйлаб иш тутган соҳибқирон бу соҳада жуда кўп қонун-қоидалар кашф этиб барча табақадаги аҳолининг осойишталигини ва яхши ҳаёт кечиришини таъмин қилишга интилган. Хатто гадоёларнинг ҳам тирикчилиги учун ғамхўрлик қилиб уларга иш топиб бериш, бошпана билан таъминлашни, ожизларга нафақа ажратишни буюрган. Унинг фармони билан дайди девоналарни иш билан таъмин қилиш, уйсиз, элсизларни уйли қилиш аммо онгли равишда гадоёликни касб қилган соғлом кишиларни тўплаб ишдан бўйин товласа, салтанатдан хайдаб чиқариш ёки кул қилиб сотиш ҳукм этилган. Соҳибқирон «ҳар мамлакатнинг гадоёларига вазифа юклаб берсинлар токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин» деб фармон чиқарган.

Амир Темур барча ўлкаларда қонунчиликка амал қилишни қатъий талаб қилинган. Шу мақсадда ўзининг таърифича, турли мамлакатлардаги садрлар ва

козиларга шариатнинг талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида хабар қилиб туришни буюрган шунга ўхшаш ҳар бир шаҳарда, амир тузукларида ёзилганидек, сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида тўла маълумот бериб турсин деб, махсус адолат амири тайинлаган.

Ниҳоятда катта, кўпмиллатли, ҳар хил диндаги ва ирқдаги Буюк империянинг тинч, осойишта ва фаровон яшашини таъминлашга интилган. Соҳибқирон тузукларида шундай деб ёзилган «Менга бўйсунган мамлакатларнинг сайидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, хилватда ўлтирувчи(зоҳид)ларини суюрғол, вазифа ва маош (нафақа) билан сийласинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз, шол, кўрларганафақа белгиласинлар. Мударрис ва шайхларга бирон вазифа берсинлар»<sup>1</sup>.

Амир Темур ўз фуқароларининг юксак маданиятли бўлишига интилган. У шаллаки, ғийбатчи ва бузуки, ахлоқи паст одамларни ўзидан узоқлаштириб мажлисларга йўлатмаган ва уларнинг сўзларига амал қилмаган. «Турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлагн ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлик қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмат ҳаққини адо этдим»<sup>2</sup>.

Ҳар бир фуқаро ўз хизматига яраша қадрланибгина қолмай, Амир Темур маънавият ва маданият соҳасида соҳасида фаол хизмат қилганларга катта эътибор кўрсатган. Соҳибқирон илм-фан, маданият ва маърифатга, адабиёт ва санъатнинг барча соҳаларига оид барча итеъодларнинг хотиржам ва самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит яратган. Айниқса, буюк империяда бўлаётган барча воқеалар гувоҳи бўлиб, ёзиб бориш учун махсус тарихчи олимларни ўзи билан олиб юрган. Бундай алломалардан ўша давр воқеа ходисаларининг шохиди бўлган Амир Темур котиби ёзиб қолдирган «Тарихи хоний» номли асар Хофиз Абрў, Низомиддин Шоший, Хондамир ва Шарофиддин Али Яздий каби тарихчиларнинг асарлари ниҳоятда муҳим манбадир.

«Темур тузуклари»да мамлакат хавфсизлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Соҳибқирон Амир Темур фикрича, давлат хавфсизлигига таҳдид

<sup>1</sup> Темур тузуклари.-Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996, 121-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 71-бет.

солувчи икки омил мавжуд: 1) мамлакатнинг яхлитлигига раҳна солиши ва содир бўлиши мумкин бўлган ички ҳавф-хатарлар; 2) ташқи ҳавф.

Амир Темур ички ҳавфнинг давлатга катта салбий таъсир кўрсатишини яхши англаган ва бу хатарни ташқисидан ҳам хавфлироқ деб билган. Давлатни бардавом бошқариш жуда мураккаб масалаки, бунда давлат яхлитлигига ёки унинг раҳбарига сарой аҳли, хатто унинг фарзандлари, набиралари, аҳли оиласи, қариндошлари ҳам кўз олайтириши мумкин, шунингдек, ғафлатда қолган раҳбарлар фурсатни тезда қўлдан бой беришлари мумкин. Бунда аввало, халқнинг аҳволи танглашади. Ана шундай вазиятда қандай йўл тутиш керак? деган саволга буюк давлатбоши муносиб жавоб беради. У инсонни жазолашни эмас уни жиноятдан қайтаришни асосий масала деб билган. Соҳибқирон ўзининг «Темур тузуклари»да бу ҳақда шундай ёзади: «Амр қилдимки агар ўғилларимдан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан уни ўлдиришга ёки мучасидан бир жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча асирликда сақлансинлар. Агарда набиралар ва қавм-қариндошлардан қайси бири менга қарши кўтарилса уни дарвешдек мол-мулкани тортиб олиш даражасига солсинлар»<sup>1</sup>. У иложи борича сергаклик билан барчани огоҳликка чақириб кескин чоралар қўллашдан кўра, келишув йўлини тутишни афзал билган ва бу, ўз навбатида, давлат тинчлигини мустаҳкамлашда хизмат қилган.

Амир Темур амирлар ва вазирларнинг давлатга қарши фитнасини ҳам катта хавф ҳисоблаган. Унинг амирларидан бирортаси давлатга қарши фитна уюштира, у мансабдан тушурилган.

Амир Темур шундай таъкидлаганки, «Агар вазирлар давлатга хиёнат қилган тақдирда, улар шошма-шошарлик билан ўлдирилмасин»<sup>2</sup>. Соҳибқирон бу гапларнинг чин ёки тухмат эканлигини аниқлаш учун воқеанинг рост ёлғонлигини обдон текширишга буюрган. У давлат мансабидаги кишиларнинг душмани кўп бўлишини, ҳар онда уларга тухмату иғволар ёғилиши мумкинлигини яхши билган. Ҳукмдор бу борада сергак бўлмоғи қора кучлар тантанасини ва ўзининг таназзулини таъминлашга сабаб бўлмаслиги керак, деб таъкидлаган.

Амир Темур ўз авлодларини ички ҳавфдан огоҳ этиш билан бирга ташқи ҳавфдан ҳам огоҳ бўлишга чақирган. У ташқи ҳавфнинг олдини олишга интилган

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари.-Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996, 91-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 92-бет.

ва кўшни давлатларнинг мақсади, сиёсати, иқтисодиёти, маданиятидан огоҳ бўлиб юрган. «Темур тузуклари»даги махсус «Мулку мамлакат, сипоҳу раият аҳволидан огоҳ бўлиб туриш тузуги» унинг огоҳликка алоҳида урғу берилганини, огоҳлик давлат арконининг энг йирик руқнларидан бири эканлигини кўрсатади: «Ҳар етда – вилояту шаҳарда ва ўрдада кундалик воқеаларни ёзувчиларни тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият сипоҳ ўзининг ва ёт лашкарларнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан ёт мол-мулк, четдан кирган ёки четдан чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, кўшни подшоҳлар, уларнинг гап сўзлари, ишлари ва узоқ ўлкалардан келиб, менинг даргоҳимга келган уламолар, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилиқ билан менга етказиб турсинлар»<sup>1</sup>.

Амир Темур ўзининг йирик давлатида юз бераётган воқеаларни сергаклик билан кузатган. Унга ҳар кунги янги хабарларни уч мингта чопар, яъни мингта пиёда чопар, мингта от ва мингта туя минган чопкунчи етказиб турган. «Темур тузуклари»да бу ҳақда шундай маълумотлар бор: «Амр қилдимки, мингта тез юрар ва от минган елиб югурувчи кишини чопкунчи, мингта тез юрар пиёдани (чопар) этиб тайинласинки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, кўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-хол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик»<sup>2</sup>. Маълум бўладики, Соҳибқирон хавфни даф этишдан бурун унинг олдини олиш муҳимлигини яхши англаган. У нафақат юртидаги, балки кўшни давлатларда юз бераётган воқеаларни ҳам ўз хавфсизлигига даҳлдор деб билган. Амир Темур ва темурийлар салтанатида хавфсизликни сақлашга нафақат давлат лавозимидагилар, балки барча фуқарорлар ҳам масъул бўлган. Давлат хизматчилари бирор бир расмий ёхуд бошқа маросимларда, саройда, ўрдада ва бошқа ерларда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этганлар. Масъул шахслар ҳар қандай шароитда хавфсизликни сақлашга шай турганлар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиши табиий ҳол эди. Чунки ўша даврда унга муҳолифатда бўлган кучлар кўп эди. Шу боис, у хавфсизлик хизматини кучайтирган. У ўз саройи ва девонни кўриклашга шундай буйруқ берган, «Ўн икки минг қилич осган аскар уруши тинчлик вақтида

<sup>1</sup> Темур тузуклари.-Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996, 120-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 120-бет

бутун яроғ аслаҳалари билан кўшқда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан қуршаб турсинлар. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши учун ҳозир бўлсинлар. ҳар юз қиличлик устига бир юзбоши кўйилсин «.

Амир Темур салтанатида нафақат тинчлик пайтида, балки уруш вақтида ҳам хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилинган. Демак, Соҳибқирон салтанатида махсус тайёргарликдан ўтган минглаб кишилар давлатбоши маъмурий биноси, ўрду, чегаралар салтанатни қўриқлаганлар.

Буюк назарийчи ва давлат арбоби бўлган Амир Темурнинг давлат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ушбу қоидалари ўзининг мукамаллиги билан давлат арбоблари, сиёсатчи ва назарийчилар учун дастур бўлиб қолаверади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўринадики, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий тафаккурининг ривожланишида улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалга оширган ички ва ташқи сиёсат мислсиз аҳамиятга эга. Амир Темур ғояларининг ўзига хос улуғворлиги шундаки, улар ҳаёлий эмас, балки реал ҳаётдан келиб чиққан ва унда ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу ғоялар ҳали ҳам ўзининг амалий, ҳаётий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Амир Темурнинг йирик давлат арбоби, ўрта аср ислохотчиси, жасур адолатпеша, фан ва маданият ҳомийси сифатида сиймоси ҳар турли мафкуравий таассуротларга, камситилган ва адолатсиз баҳоларга қарамай, асрлар оша яшаб келди «.

## **2.2. Алишер Навоий асарларида маърифатли, одил ҳукмдор ғоясининг олға сурилиши**

Ватанимиз ва халқимиз тарихини, маънавий меросини, умуман миллий тараққиётни Алишер Навоий даврисиз ва Навоий таълимотисиз тасаввур этиб бўлмайди. «Шоир ўз фаолияти ва ижодида, биринчидан, чигатой-туркий (эски ўзбек) миллий онги ва миллий ғояси шаклланишига хизмат қилган. Яъни аввало ўзининг бадий ижодида, ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий

(мактаблар, мадрасалар куриш, санъаткорларга, олимларга, адибларга, уламоларга ҳомийлик қилиш) фаолиятида, туркий (эски ўзбек) тилда ижод қилишни алоҳида рағбатлантиришда ва бошқа барча масалаларда янги шаклланаётган элат, унинг адабий тили ва давлатчилиги манфаатларидан келиб чиқиб иш тутган. Иккинчидан, эски қзбек адабий тили меъёрлари ва мезонларини тартибга келтиришда ҳал қилучи роль ўйнаган. Учинчидан, миллий-бадий тафаккурни жаҳон бадий тафаккурининг юксак чўққиларига кўтара олган». Навоий яшаган даврда мамлакатнинг раванқ топиши учун юзага келган талаблар салмоғи янада кўпроқ салобат касб этиб борган ва миллий тараққиётнинг кенг қамровли эҳтиёжлари Навоий маънавий меросида муҳим ўрин тутди. Айнан миллий тараққиёт олдида давр қўйган вазифаларни чуқур идрок этиш ва уни амалга оширишга даъват этиш Навоий меросини таълимот деб аташ учун имкон беради. «унинг асарларида ўзбек халқининг раванқини ўйлаш, темурийлар давлати бардавомлиги, юрт осойишталигига эришиш йўл-йўриқлари, миллатни тарбиялашнинг мукамал тизими, инсонийлик, комил ахлоқнинг ўша даврга хос ҳам маънавий-табиий (эстетик), ҳам илмий-ҳаётий талқинларини кўрамиз». Ҳақиқатдан, Алишер Навоий юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси ҳақида асарларида мулоҳаза юритади.

Мамлакатнинг бўлиниб кетиши, тож-тахт талашишлар, амир ва хонлар ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг ўсиб бориш хавфи миллий муштарақликка ҳалақит берар, бу жараённи ортга тортар эди. Шунинг учун қандай қилиб бўлмасин, мамлакатдаги парокандаликнинг, бўлиниб кетиш хавфининг олдини олиш, миллий жипсликни таъминлаш муҳим эди.

Миллий жипсликни таъминловчи омиллар Алишер Навоий яшаган даврда нималардан иборат бўлган, деган ўринли савол туғилади. Ўзи яшаган даврда миллий тараққиёт учун зарур омилларни Навоий теран англади ва асарларида изчил тадқиқ этди. Навоий асарларида илгари сурилган марказлашган ягона давлат ва унинг адолатли подшоҳи, халқнинг маъмурлиги, иқтисодиётнинг ўсиши – деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотикнинг ривожланиши, тил бирлигига эришиш "адабий тил", маънавий - мафкуравий бирлик ғоялари миллий жипсликни таъминловчи муҳим омиллар эди. Алишер Навоий энг кўп мурожаат этган марказлашган ягона давлат ва унинг адолатли подшоҳи ғояси миллий жидсликни

таъминлаш учун ўша даврда етакчи омиллاردан эди. Кудратли ва адолатли шоҳ ғояси давлат, мамлакат ва албатта, фуқаролик муносабатларини муштараклаштириш эҳтиёжларини мужассам камраб олиши билан аҳамиятлидир. Навоийнинг одил шоҳ ғоясида мамлакат аҳлининг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашни давлат бошқарувининг асосий вазифасига айлантириш мақсади ўз ифодасини топган:

Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,

Адолат йўлин ихтиёр айласанг.

Раиятга сендан етиб шодлик,

Мамоликка юз қўйса ободлик.

("Садди Искандарий")<sup>1</sup>

Мамлакатни адолат билан бошқарувни салтанатнинг қудратини белгиловчи омил сифатида талқин этар экан, Навоий давлатнинг иқтисодий юксалишга муҳим эътибор қаратган. Бу эса одил шоҳ ғоясида Навоий яшаган давр ва миллий тараққиётнинг муҳим эҳтиёжлари ифодаланганини асослайди. Иқтисодий юксалиш, халқ фаровонлиги ва адолат билан бошқарув бугунги миллий тараққиёт учун салмоқли аҳамиятга эга. Бу миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадида мухтасар топган.

Алишер Навоий яшаган даврдаги сиёсий ҳаёт эса марказлашган ягона давлат ҳокимиятини қўлдан бермасликни, аксинча, уни мустақамлашни, бу зарур чораларнинг давлат ва халқ тақдири учун нечоғлик долзарблигини очиқ - ойдин, кўрсатмоқда эди. 150 йил ҳукм сурган мўғулларга сиёсий қарамлик, юртдаги бошбошдоқликлар иқтисодий ва маданий қолоқликка сабаб бўлгани ва Темурнинг ҳокимиятга келиши билан мамлакатдаги сиёсий парокандалик ва ички низоларга чек қўйилиши натижасида эришилган миллат ва юрт равнақи билан боғлиқ тарихий муваффақиятлар муҳим сабоқ ва тажриба ҳам эди. Темур ўз вавотидан олдин олий тахтнинг расмий ворисини тайинлаган, аммо унинг дунёдан ўтганлиги ҳақидаги хабар салтанатда тарқашини билан бу васиятга амал қилиш ўрнига ҳар бир темурий шаҳзода тахтга ўтириш иштиёқи билан тож талашишга берилиб кетди. Бундай ҳолат Улуғбек ва Шохруҳ вофотидан кейин ҳам тез - тез такрорланиб турган.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Садди Искандарий», Мукаммал асарлар тўплами, -Т.: «Фан», 1991, 177-бет.

Мамлакатдаги ички парокандалик, бўлиниб кетиш ҳолатлари ташқи хавф ва таҳдид учун қулай имконият яратиб берар, миллий жипслик ва мамлакат тақдири жиддий хавф остида қолиши мумкин эди. Бундай шароитда Навоий воқеликка ўз фаол муносабатини билдирмаслиги мумкин эмас. Ҳам бадиий, ҳам ғоявий жиҳатдан баркамол асар бўлган Алишер Навоий "Хамса"си ватан ва халқ тақдири, миллий тараққиёт икки ўт орасида қолган даврда яратилди. Ўз даврининг миллий тарққиёт олдига қўйган долзарб вазифалари: миллий - маънавий юксалиш, миллий давлатчилиликни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш ғояси фақат Алишер Навоий яратган "Хамса" асарига хос эди. Шунинг учун Навоий "Хамса"си муҳим ғоявий қимматга эга.

Мамлакат ва халқ тақдирини шоҳнинг адолати билан боғлаш Шарқ тафаккур олами учун Навоийгача ҳам ўзига хос бир анъана сифатида шаклланиб келган. Навоий одил ҳукмдор ғоясини "Садди Искандарий"да ва бошқа асарларида янада аниқлаштирди, ўз даври муаммолари билан рамзий, мажозий образларда боғлади. Шоҳ бўлишга муносиб шахс учун қўйилган талабларда Навоий яшаган даврнинг энг долзарб вазифалари: юрт ободлиги, тинчлиги, маъмурлиги ўз ифодасини топган. Айнан шу вазифалар миллий тараққиётнинг эҳтиёжлари ҳамдир. Бу кузатувлар бизга миллий ғоянинг ҳаракатлантирувчи моҳиятини очиш учун ҳам зарурдир. Чунки, миллий ғоя даврнинг миллат олдига қўйган вазифалари билан бирга такомиллашиб боради. У давр эҳтиёжларидан ажралган ҳолда, сунъий тарзда яшай олмайди. Миллий ғоя тараққиётнинг бирор халқ ва миллат томонидан анланган эҳтиёжи сифатида юзага чиқади. Шу ўринда ғоянинг миллийлик моҳиятини тор маънода миллий кўринишлардаги қобик билан чалкаштириш унинг аҳамиятини бир томонлама, баъзан ҳатто нотўғри тушунишга олиб келиши мумкинлигига тўхталиш зарур. Навоий бежиз халқ маъмурлиги одил шоҳнинг бош мақсади бўлиши зарурлигига даъват этмаган. Мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий қудрати тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Айни пайтда халқнинг маъмурлиги мамлакат аҳлининг муҳим маънавий - ижтимоий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун у миллий жипсликни янада тезлаштирувчи ва мустаҳкамловчи омил эди. маъмурлик мамлакат аҳлининг, хунармандлар, дехқонлар, савдо - сотиқ аҳли ва бошқа кўплаб табақалар муносабатларининг янада ривожланишига. бу билан эса ишлаб чиқариш

эхтиёжларининг янада кенгайиши ва ўсишига йўл очиб беради. Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб" асарида шохдан тортиб оддий фуқарогача ўз олдларида қандай вазифалар туришини англашга даъват қилиниши ҳам бежиз эмас. Мамлакат аҳолиси сиёсий, иқтисодий ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий - маънавий муносабатларининг ривожланиши фуқаролараро муносабатларнинг янада юксак шаклларга кўтарилишига зарур муҳит яратади.

Халқ ва давлат муносабатларининг ҳар томонлама мураккаблашиб бориши табиий йўсинда маънавий - мафкуравий бирликка эҳтиёжни юксалтиради. Шундай эҳтиёжларнинг бир кўриниши Алишер Навоий илгари сурган тил бирлигига эришиш ғояси эди.

Турк улусининг "хуштаъб беклари ва "Турк улусининг "хуштаъб беклари ва мирзозодалари"нинг кўпи ўз она тилларидан бегоналашиб,форсча мойил бўлганларидан безовталанган аллома уларни Хусайн Байқародан ўрناق олишга ундайди. Навоийнинг бу муддаоси "Муҳокаматул луғатайн" ниҳоясида кўтаринки руҳда ифодаланган. Туркий тилнинг ички имкониятлари, яъни фасоҳату - балоғати форсийдан асло кам эмаслигини асослаб:"...турк улуси фосихларига улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва луғатлари кайфиятларидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг ибрат ва алфоз бобида таън қилур сарзаминдин қутулдилар"<sup>1</sup> - деганда Навоий туркий шахзодалар салтанатининг мустаҳкамланишини она тили ривожланиши билан боғлаган ва давлат мустақиллиги она тили ривожланишини белгиловчи омишлардан бири эканлигини таъкидлаган.

Ягона тил бирлигига эришиш мамлакат аҳли турли ижтимоий - иқтисодий муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига ва такомиллашишига қулай имконият яратиб, кўпгина қабила ва элатларнинг янада жипслашувига хизмат қиларди. Иккинчи томондан эса давлат мустақиллиги она тилининг равнақи, унинг имкониятларининг бойиши учун муҳим эди.Она тили амал қилиш ва хизмат қилиш доирасининг кенгайиши фақатгина давлат мустақиллиги билан амалга оширилар эди. "Муҳокаматул луғатайн" мана шундай улкан вазифани бажаришга чорловчи асар ҳамдир. Чунончи, туркий ҳукмдорлар ўз салоҳиятларини она тилларида намоён этсалар, бу билан она тили ривожига ҳам ҳисса қўшадилар ва албатта она халқининг интилиши ва мақсадларидан бегоналашиб кетмай, аксинча, унинг

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Муҳокаматул луғатайн». Мукамал асарлар тўплами. -Т.: «Фан», 2000, 34-бет.

манфаатларига хизмат қилсалар, деган даъво Алишер Навоийнинг асл муддаоси эди.

Бир – бири билан боғлиқ бўлган шу каби асосларга кўра, Алишер Навоий илгари сурган ғоялар яхлит таълимот даражасида мужассамлашган. Шунинг ҳам эътирофи этиш жоизки, Навоий қарашлари миллий юксалишнинг маълум бир тарихий босқичи бўлибгина қолмасдан, бугунги мустақиллик шароитида ўзликни англашда, миллий манфаатни идрок этиш, давлат ва халқ манфаатларини бир бутунликда билишда ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас.

Алишер Навоий мероси мужассам таълимот даражасида ўрганилишига асос бўладиган ғоялар тузилишида қуйидагилар алоҳида ажралиб туради. Аввало бу таълимотда ҳар бир масала халқ манфаатлари нуқтаи – назаридан тадқиқ этилади. Халқ орасида кенг оммалашган – «Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами» мисраларининг шох байт ўрнида қабул қилиниши ҳам мулоҳазаларимизга ойдинлик киритади. Навоий тафаккурида ҳар бир фикр, ғоя халқ манфаатларини теран идрок этишнинг ёрқин ифодаси сифатида туғилиб, шу манфаатларни теран идрок этишнинг ёрқин ифодаси сифатида туғилиб, шу манфаатларни ҳал этиш йўли – йўриқлари билан чамбарчас боғланган. Навоийнинг барча даъватлари миллат ва халқ фаровонлигига йўналтирилганлиги билан бирга халқнинг моддий фаровонлиги маънавий – сиёсий мустақиллик билан, хусусан, давлат мустақиллиги билан бир – бирини тақозо этувчи вазифалар сифатида олинган. Миллатнинг халқ сифатида шаклланиши миллий манфаатларни умумхалқ манфаатлари даражасида англашни тақозо этибгина қолмасдан, шахс манфаатларини мамлакат раънақи билан уйғунлаштиришни асосий вазифага айлантиради.

Алишер Навоий кўтарган ижтимоий масалалар миллий тараққиётнинг моҳиятли жиҳатларини реал белгилаб олишимиз учун асос бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, Алишер Навоий даъватларининг, илгари сурган ғояларининг миллийлик касб этиши учун миллатга хос ташқи белгилар, урфлар йиғиндисини тартиб қилиб беришга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Бундай тартиб миллий ғоя тушунчасининг мазмунини умуман очиб беролмайди. Миллий ғоянинг ҳаракатлантирувчи моҳияти халқни юксак мақсадлар йўлида жиҳтлаштириши,

сафарбар этилишидадир. Ҳар бир ҳақни тараққиётга рағбатлантирувчи ғоя унинг миллий ғояси ҳисобланиши мумкин.

Мамлакат ва халқнинг фаровонлигини ҳар жиҳатдан тадқиқ этган Навоий миллий жипслик ғоясига муҳим урғу берган. Чунончи, мамлакат аҳлининг жипслиги ҳам шоҳнинг одил сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Миллий жипслик ҳақида хулоса юритилар экан, Алишер Навоийнинг «Маҳбубул - қулуб»даги танқидий карашлари, ўринли хавотирларига алоҳида тўхталиш жоиз. Мамлакат аҳли: турли табақа ва касб – кор вакиллари, ягона куч, муштарак тизим. Шундай экан, улар ўз бурчларини шу муштаракликка зид бўлмаган ҳолда идрок этсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, шоҳнинг маслаҳатчилари, вазирлар, беклар, ноиблар ҳақида куюниб фикр юритганда саъй – ҳаракатлари мамлакат равнақига қаратилмаган амалдорларнинг танқид қилиниши, Навоийнинг улардан нафратланиши бежиз эмас. Улар мамлакат тақдирини белгилайдиган амалларда турганлари ҳолда миллий манфаатларни идрок этишдан йироқ, «тариклари – худнамолик», «варзишлари худпарастлик», «расмлари - худодолик»дан нарига ўтмайди. Бундай жамиятда фуқаро маъмур бўлолмаслигидан, мамлакат ва мулк тақдирини уларга ишониб бўлмаслигидан безовталанган аллома мамлакатдаги ички парокандаликнинг келиб чиқиш сабабларидан шоҳни огоҳ этмоқчи.

«Маҳбуб ул - қулуб» асарида мусулмон жамиятида ўзига хос таъсир ва мавқега эга табақа вакилларининг таъмагирлик, шарият қонунларини бузиш ҳолатларининг танқид қилиниши орқали Навоий жамиятнинг маънавий парокандаликка тушиш сабаблари ва хавфидан огоҳ этади.

Навоий ўзини ўйлангирган ғояларини ўз тимсолларига сингдириб, бу ғояларнинг турли халқлар ва миллатлар учун бирдай қадрли ва эъзозли, ардоқли ва сеvimли бқлишини орзу қилган. Бундан мақсад умуминсоний бағрикенглик асосида бир – бирига қардош, ёндош халқларни ўзаро муштаракликка даъват этишдир. Бу эса ўз навбатида, миллий тотувлик эҳтиёжини, миллатлараро тотувлик, дўстликни, умуминсоний ва миллий кадриятларни яқинлаштиришни, омукталаштиришни Навоий ўз замонидаёқ қанчалик теран англаганинг бир кўринишидир.

Миллий тараққиёт ва Алишер Навоий таълимоти ҳақидаги мулоҳазаларимиз умуминсоний бағрикенглик ва етук шахс ғояларисиз кемтик бўлиб қолиши мумкин эди. Алишер Навоий, албатта, бу мавзуларга ҳам халқ ва мамлакат манфаатлари нуқтаи – назаридан ёндашган.

Авф, карам, меҳр – мурувват Навоий талқинидаги бағрикенгликнинг асосий сифатларидир. Мамлакатнинг адолат билан бошқарилуви эл, юрт иқболи учун канчалик муҳим бўлса, бундай бошқарув тамойилида инсоний бағрикенглик муҳим аҳамиятга эгадир. Алишер Навоий инсоний бағрикенгликни шунчаки эзгуликнинг бир кўриниши сифатида талқин этмайди, аксинча, салтанатнинг равнақини, ҳокимиятнинг қудратини айнан инсонпарварлик дастуриламали билан боғлайди, бундан кўзланган мақсад халқнинг маъмур ҳаётидир.

Таъкидлаш жоизки, ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма, деган тамойил умуминсоний қадриятдир. Бу тамойил Конфуций таълимотида ҳам, қадимги Ҳиндистоннинг «Ману қонунлари» да ҳам, Таврот ва Қуръонда ҳам учрайди. Алишер Навоий бу умуминсоний ғояни бек ва шахзодаларга яна бир бор эслатади.

Алишер Навоийнинг комил инсон хусусидаги талқин ва хулосаларини «Фарход ва Ширин» да Фарход ҳамда «Садди Искандарий» да Искандар тимсолларида ҳам кузатиш мумкин. Навоийнинг комил инсон ғояси ҳаётнинг синов ва зиддиятлари билан тўқнашувларда моҳиятан янада очилади. Бизнингча, бу жуда муҳим масала. Бу, биринчидан, Навоийда комил инсон ҳаётдан ажратиб қўйилган ҳаёлий орзу эмаслигини, иккинчидан эса, Навоийнинг муҳим анъанавий қарашларга таяниши уларни такрорлашдан иборат бўлмаганини аңлатади ва Навоийнинг ўз даври зиддиятларига ечим топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини ҳар жиҳатдан ёқлайди. Навоий талқинидаги комил инсон силлиқ, равон ҳаёт йўлига эга эмас. Улар аңланган ҳолда шундай машаққатлар билан юзма-юз бўладиларки, мақсадга содиқлик ибратини Навоий ҳар қандай ҳолатда ҳам устун қўйган. Бу Навоийнинг асл ғоявий мўлжалидирки, Фарходнинг халқ фаровонлиги йўлида ўзини баҳшида этишини, бундай мақсадни хатто ўз ишқидан ҳам устун қўйишни алоҳида эътироф этиш зарур.

Бугун биз мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди ҳар қандай боқимандаликни ўзига ор деб биладиган, билимни, энг замонавий касбларни эгаллаган, айна пайтда

ватанпарвар, фидойӣ, маънавий етук бўлиб камол топиши тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, албатта, Навоийнинг ғоялари ва идеалларига таянамиз.

Хуллас, Алишер Навоий адолат, инсон қадри, мамлакат ва шахс манфаатларини яқдиллаштирувчи халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари сингдирилган асарлари муносиб маънавий мерос бўла олишини, бу ғоялар ҳамиша ўзликни англашга рағбатлантира олишини чуқур англаган шундай буюк мақсад билан ижод қилган Навоий таълимоти миллатни ва халқни ўзи орзу қилган ғоялар теварагида жипслаштириб турувчи беқиёс хазина эканлиги миллатни – миллат, халқни – халқ этишга етакловчи миллий ғоянинг тарихий ривожланиш жараёнлари ўрганилганда янада яққолроқ намоён бўлади.

### **2.3. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» («Яхши хулқлар») асарида амир, вазирларнинг ақлу фаросати, ўзини тутиши тўғрисидаги фикрлар**

Ҳусайн Воиз Кошифий (Кошифий тахаллуси; асл исми Камолиддин; Воиз — лақаби) (тахм. 1442-1446, Сабзавор қишлоғи — 1505, Ҳирот) — воизлик санъати намояндаси ва назариётчиси, мутафаккир, илоҳиётчи олим. Араб, форс, турк тилларини яхши билган, математика, кимё, астрономия, мусиқа, адабиёт ва фикрдан тула маълумот олган. Ёшлигидан воизлик билан шуғулланган. Нишопур ва Машҳадда (1455-1468), кейинчалик Ҳиротда (1468 йиллар) яшаган. Асарларини форс тилида ёзган. Навоий билан ижодий ҳамкорлик қилган, унга бағишлаб асар ёзган («Мавоқиб олия» - «Олий тухфалар»). Фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёсат, дин тарихи, воизлик, шеър санъати каби фанларга оид 200 дан ортиқ асар муаллифи. Ахлоқ ҳақидаги энг машҳур асарларидан бири «Ахлоқи мухсиний» («Яхши хулқлар») Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абулмуҳсин Мирзога бағишланган. «Футувватномаи султоний ёхуд жувонмардлик тариқати» асари ўзбек тилида нашр этилган (1994). Кошифийнинг 45 номдаги асарларининг 197 қўлёзма ва 75 тошбосма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2003, 78-бет.

«Ахлоқи Муҳсиний» - Хусайн Кошифийнинг ахлоққа оид асари. Султон Хусайннинг ўғли, темурийлар шаҳзодаси, Марв хукмрони Муҳсинга бағишланган. Бу асар шахсий, оилавий ва фуқаролик ахлоқ асосларини ўз ичига олган 40 бобдан иборат. Асарда муаллиф адолат, сабр, ёқимлилиқ, ҳаё, одоб, ишонч, ваъдага вафо қилиш, шижоат ва сиёсат каби масалалар ҳақида сўз юритади. «Ахлоқи Муҳсиний»ни 1858 йили Оғолим форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Асар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Унинг кўпгина нодир кўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослиқ институтида сақланади.<sup>1</sup> Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асарининг "Мулозимлар одоби" деб номланган бобида амир, вазирлар ва улар кўли остида ишлайдиганлар, шу каби эшиқоғалар, маҳрамларнинг ақлу фаросати, ўзини тутиши, сарой этикетига риоя қилиш шартлари, саройдан ташқаридаги ишлар, феъл-атвор ва ҳоказолар баён этилган.

«Билмоқ керакки, деб гапини давом эттиради Кошифий, кимки подшоҳ хизматига кирса ва давлат ишлари билан банд бўлса, унинг сийрату нияти, мақсад-муддаоси подшо номини улуғлаш ва мамлакат ободонлигига қаратилган қонун-қоида, одобу ахлоққа бўйсунидир. Бунда тўрт жиҳатга риоя этмоқ талаб қилинади: биринчидан, Ҳақ таоло буйруғига мувофиқ иш кўриш; иккинчидан, подшо томонидан туриб фаолият юритиш (подшо манфаатига хилоф иш қилмаслик), учинчидан, ўзини ҳам ҳимоя қилиш; тўртинчидан, раият (халқ) номидан иш олиб бориш. Аввал шуки, Ҳақ таолонинг илоҳий неъматига шукроналар айтиб, шариат талабларига зид бормасин, ҳар ерда ҳақиқат юзасидан ишни ҳал қилсин, «Худо рози - халқ рози» деган ҳикматга амал қилсин, чунки Худо кўрсатган йўл энг тўғри йўлдир, Худодан кўрққан одам подшога ҳам хиёнат қилмайди ва ҳақиқатни ҳимоя қилиш, адолатни жорий этишда дадил бўлади. Аммо подшо томонида туриб фаолият юритишнинг 25 та шарти бор. Булар қуйидагилардир:

1) Хоксорлик билан итоаткорликда бўлиш, ҳамма вақт шоҳнинг шаъну шавкати, улуғворлигини тан олиб, уни эҳтиром этиш. Шоҳлар халойиқ устида посбондирлар, ҳукм ва фармон чиқаришда ихтиёрлари ўзларидадир.

2) Меҳнат ва машаққат, риёзат чекишларга сабр қилиш, зеро, подшолар хизматини қилиш заҳматдир, бунга чидаб, тоқатли бўлиш керак. Донишмандлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 200, 531-бет.

дебдурларки, шоҳлар хизмати халқ билан шоҳ орасида тўғри муносабат ўрнатиш бўлиб, ҳам роҳату лаззат ва ҳам машаққат ҳисобланади.

3) Ходим нимани фикрласа, айтмоқчи ёки қилмоқчи бўлса, ҳар доим подшо раъйини ўйласин, унинг манфаатига мувофиқ иш тутсин.

4) Юмшоқлик ва ёқимли далилу ҳикоятлар билан подшога зулмнинг ножоизлиги, ёмонлигини тушунтириб, адолатнинг улуғлигини таъриф у тавсиф этсин, подшони зулмдан қайтариб, адолат йўлини тутишга руҳлантирсин.

Келтирибдурларки, Яхё Васигий ниҳоятда моҳир хаттот эди, чиройли хати одамлар кўзини қувонтирарди. Халифа котибларига таълим берарди. Бир кун уни бир вазир ҳузурида мактаб тилга олдилар. Дедиларки, Яхё қаламни (қамиш қалам) чиройли тарашлайди. Вазир Яхёни чақириб, ўзи учун бир қалам тарашлашни буюрди. Яхё унинг айтганини қилди. Вазир шу қалам билан бир фармон ёзди. Хати чиройли чиққанини кўриб завқланди ва Яхёга тўн кийгизиб, бир кисса олтин ҳада этди. Яхё зар тўнни кийиб, қўлида олтинлар билан ташқарига чиқди. У шу ҳолда сарой эшигига етиб келганда, бирдан орқасига қайтиб, вазир ҳузурига кирди ва унга қараб: "Эй вазир, бу қаламни тарашлашда яна бир санъат эсимдан чиқибди, ижозат берсангиз, шуни қўшиб қўяй". Вазир қаламни берганда, Яхё ёнидан пичоқни олиб, қаламнинг бошини кесиб ташлади ва тўн билан олтинни вазирнинг олдига қўйди. Вазир ундан «сенга нима бўлди?» деб сўради. Яхё деди: «Сарой дарвозасига яқинлашганда мана бу оят хотирамга келди: "Золимларни уларнинг шериклари ва мададкорлари билан бирга дафъ қилинг". Шунда кўнглимда бу қалам билан сен зулму ситамга сабаб бўлувчи бирон нарса ёзсанг, мен ҳам шерик бўларман ва Аллоҳнинг қаҳрига учрайман, деган фикр кечди.

Золимнинг дўсти бўлсанг, эй азиз,

Сен ҳам шу қавмдан бўласан шаксиз.

5) Подшони хайрли ишларга даъват қилсин, шундай қилсинки, подшонинг яхшилиги ҳаммага етсин, негаки, энг яхши инъом умумга етадиган инъомдир, зеро, офтобнинг нури ҳамма ерга етади, булутнинг ёмғири ер юзини сероб қилади. Бир ҳакимдан сўрадиларки, яхшилик кимга йўналтирилган бўлиши лозим ва унинг аълороғи қайси? Дедики: яхшиликни ҳаммага бирдай қилмоқ афзал, унинг энг яхшиси беғараз, миннат қилинмаганидир. Саховатли одам очик кўнгил, юзи равшан бўлади, хайрли ишидан қувониб юради:

Юзнинг равшанлиги, кўнгил софлиги,

Саховатли эрлар сифатларидир.

Эзгуликдан яшнаб, яйрайди қалблар,

Саховатдан сахий дилида хузур.

6) Бирор одамни обдон яхши билмасанг, сифатларини синаб кўрмаган бўлсанг, уни подшога таъриф этиб, тавсия қилма.

7) Подшонинг дилига ёқадиган, хурсанд этадиган нарсаларни мухайёқилишни эздан чиқарма, агар подшоҳнинг майли яхши от, мато ва ҳоказо нарсаларга бўлса, буни мухайё қил.

8) Агар подшо суҳбатлашмоқчи бўлса, дилу жондан, бутун вужуди билан эшитсин, бирор сўзини қолдириб кетмасин, суҳбат пайтида бошқа томонга қарамасин, бошқа иш билан машғул бўлмасин. Чунки подшолар сўзларига эътибор қилмаганни ёқтирмайдилар.

9) Подшо мажлисида биров билан сирлашиб ўтирмасин, бундай пайтда подшо бадгумон бўлади, хаёлидан турли гаплар ўтади ва сирлашиб ўтирганлардан хавфсираб, кек саклаб юради. Айни ҳолатдан сарой ҳасадчилари фойдаланиб, подшога иғволар қиладилар.

10) Агар подшо бошқа бировга савол билан мурожаат этса, орага сукилиб, жавоб бериб, маҳмадоналик қилмасин.

11) Подшо бирон нарса сўрамаса, биринчи бўлиб сўзламасин, аммо агар сўраса, имкон қадар тўлиқ жавоб берсин, кейин жим турсин. Агар подшоҳда хоҳиш бўлса, суҳбат давом этиши мумкин.

12) Агар подшо муайян нарса ёки иш билан уни таништиришни истамаса, бунга ҳеч бир ҳавас қилмасин, билишга интилмасин. Негаки, ҳар кимнинг қобилиятига қараб иш берадилар.

13) Подшонинг тухфа ва инъомлари кўп ёки камлигига қарамай, хурсандлик билан қабул қилсин, норозилик билдирмасин, ташаккур айтсин. Зеро, подшоларнинг оз тухфаси ҳам катта эътибор нишонасидир, норозилик эса такаббур ва подшога эътироз белгиси бўлиб, оқил одамлар бу ишни қилмайдилар.

Қабул эт не келса шоҳдин бегараз,

Хоҳ кам, хоҳ кўп, кабир ё мўъжаз.

14) Омонатга хиёнат қилмасин. Омонатни сақлаш яхши одамлар сифати, у кишини азиз этади, хиёнат эса азизни хор қилади.

15) Подшо берадиган маошга қаноат қилсин, рози бўлиб юрсин, ортиғини талаб қилса, хирсга берилса, эътибордан қолади.

16) Подшо хузурида ҳам, бошқа жойларда ҳам у ҳақда фақат яхши сўзларни айтсин, уни шарафлаб, иззат-икром билан тилга олсин. Агар бировдан подшо ҳақида ножўя, беҳурмат этувчи гаплар эшитса, дарҳол танбех берсин, керак бўлса, жазоласин, агар ислохга келмаса, у билан суҳбат қилишни тарк этсин.

17) Топширилган ишни аъло даражада бажарсин, ҳамиша ўзини ишга тайёр деб ҳис этсин, султон қачонки уни йўқласа, дарҳол ҳозир бўлсин, малол келадиган, нохушлик туғдирадиган ишларга аралашмасин.

18) Подшонинг яхши муносабати, муҳаббатига ҳаддан зиёд ишониб юрмасин, ўз хизматининг кўплигидан ҳам кўнгли тўқ бўлиб, ғурурланмасин. Чунки подшо ғазабланса, буларнинг бари бир лаҳзада чиппака чиқади. Подшога хизматини пеш қилиб, талаб қўйиш ҳам одобдан эмас, бу ортиқча иззатталаблик бўлади. Султонлар наздида фақат дуогўйлик ва хизматга тайёр туриш, фармонбардорликкина ёқимлидир.

19) Подшога иш юзасидан арз этишнинг ҳам ўз маҳали, вақти бор. Вақтни билиб, қабулга кирганда иложи бўлса, битта талабни айтиш билан кифояланмоқ керак, токи подшога малол келмасин.

20) Агар сени подшо алоҳида қадрлаб, азиз, тутса ҳам, аммо сен ўз яқинларинг, хизматдошларинг, аввалдан ишлаб келганлардан ўзингни алоҳида ҳисоблаб, юкори олиб юрма, бу фитна ва бўҳтонларга сабаб бўлиши мумкин.

21) Подшонинг қаҳру ситамидан ранжимасин, аксинча бундай қаттиқликларни юмшоқлик ва дилхушлик билан қабул қилсин. Подшо дашноми салтанат эҳтиёжидандир, уни қабул қилиб, ўзини тузатган ходим ақлидир.

22) Султон қаҳру ғазабига дучор бўлса, ҳеч кимга бундан шикоят қилмасин ва адоват, гина сақламасин.

Ҳар қанча жафо бўлса, шикоят қилмаймиз,

Гуноҳ бизда деймизу эътироз этмаймиз.

23) Агар султон бирор кишига ғазаб этса, уни даргоҳдан узоқлаштира, ундай одамдан узоқлашмоқ яхши, у билан бир мажлисда ўтирмасин ва уни

мақтамасин. Аммо султон ғазаби босилиб, тухматга қолган одам оқланса, у билан яна аввалгидай муомалада бўлиш лозим.

24) Подшонинг розилигига қараб иш тутсин ва уни хурсанд қилиш пайида бўлсин. Бунда тўрт нарсага эътибор қилиш керак. Биринчидан, подшо нима деса, тасдиқлаб турсин; иккинчидан, подшонинг хоҳиш ва тадбирларини мақтасин; учинчидан, унинг яхши томонларини шоён этсин, элга ёйсин; тўртинчидан, унинг ожиз томонлари, нуқсонини яширсин.

25) Сабабларнинг асли, шартларнинг боши, адабларнинг асоси сирларни сақлашдир. Султон сирлари қаттиқ сақланиши лозим. Ҳар бир мулозим, давлат ходими бунга эътибор қилиши лозим. Султоннинг сирини - давлат сирини демак. Подшоҳнинг сўзлари, феъл-атвори ҳақида иложи борича гапирмаслик лозим.

Дейдиларки, бир улуғ подшо доно ҳақимдан насиҳат талаб қилди. Ҳақим деди: "Эй олийкадр подшоҳ, барча насиҳатлар куйидаги икки сўзда мужассам: "Ўз фармонларининг кадрини баланд тут ва Худонинг бандалари -халққа шафқатни дариг тутма".

Подшо деди: "Сиёсат борасида сўз айт". Ҳақим деди: "Одамларни ўлдиришга ружуъ қўйма, чунки инсон баданини хароб этиб, жонидан жудо этиш энг катта гуноҳ. Аммо уч хил одамни ўлдиришни барча донолар раво дейдилар, булар: 1) мамлакатни хароб этувчи золим мансабдор; 2) молу мулкини ўғирловчи амалдор; 3) сирини ошкор этувчи хоин".

Мулозимнинг ўзига нисбатан қўйиладиган талаблар куйидагилардир:

1) Рухсат этилмаган нарсани олмасин ва буюрилмаган жойга нарса бермасин.

2) Қўлидан келганча ёмонликни дафъ этсин, барчага иложи борича яхшилик қилсин.

3) Ҳимматни баланд тутсин, чунки одамнинг эътибори унинг ҳимматига ярашади. Ҳар кимнинг олдида ўзини паст тутиб, таъмагирлик қилмасин. Молу дунёга ҳарис бўлган одам охири хор бўлади.

4) Ўзини деб бошқаларни ранжитмасин ва бошқаларни деб ўзини азобга қўймасин. Одамларни рози қиламан, деб Худонинг қаҳрига қолиш жоиз эмас. Худонинг амру фармони ҳамма нарсадан баланддир.

5) Инсонийлик кадр-қимматини баланд тутсин, ихтиёрим ва қудратим бор, деб ҳаддан ошмасин.

6) Ўз қудрати ва мансабига мағрур бўлмасин ва иззат-икромларга учмасин. Чунки жафокор дунё доим бир хил эмас. Бироз вақт ўтиб, ўзгаришлар оқибатида ноумидлик ва маҳрумликка дучор бўлиш ҳеч гап эмас. Хуллас, амал-мансабда ҳам, оддий одамлар орасида ҳам инсоний қиёфани бир хил сақлаш лозим.

7) Султонларга яқин бўлишдан фойдаланиб, имкон қадар халққа яхшилик қилсин, катта-кичик барчанинг арзини тингласин ва муддаоларини адо этсин. Зеро, кимки бировга яхшилик қилса, у аввал ўзига яхшилик қилган бўлади. (Қуръон ояти: "Агар яхшилик қилсангиз, ўзингизга яхшилик қилган бўласиз").

Асарда раият томонини ҳимоя қилиш, камбағаллар, йўқсил дарвешларнинг ҳолидан хабардорлик, хайру саховатли бўлиш ҳақида ҳам чуқур маъноли гаплар айтилган. Давлат тузишдан мақсад - халқ фойдасини кўзлаб иш юритиш, давлатчиликнинг бутун моҳияти шу, деб уқтиради Кошифий.

Аммо раият (халқ)га нисбатан риоя қилинадиган ишлар жуда муҳим ва алоҳида эътиборни талаб қилади. Чунки шуни билиш керакки, мансаб ва давлат ишларининг асл моҳияти подшо ва халқ орасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйишдир. Давлатнинг бош мақсади халқ раёю хоҳишини ҳисобга олиш, осойишталигини сақлаш ва шаҳару қишлоқларни обод қилишдир. Шундай экан, халқ тарафини олиш энг муҳим ишдир. Бунинг иккита шарти бор: Биринчиси - халқ аҳволи муҳофазаси бўлиб, бу шундай бўлиши керакки, ҳар кимга ўз иши билан шуғулланишига халақит бермасин, кишилар иш жойлари, машғулотларидан ажралиб қолмасинлар, саросимага тушмасинлар.

Иккинчиси - золимлар ёмонлигини қайтариб турсин. Ҳақимлар дебдурларки, раият қўйлар каби бўлса, подшо ва аъёну мулозимлари бамисоли чўпондирлар. Чўпон қўйларни бўридан асрагани каби мулозимлар (султон мадади билан) халқни бадният золимлардан ҳимоя қилсин. Арқони давлат раият аҳволидан подшони хабардор этиб туриши лозим. Халқни зарар келтирувчи нарсалардан воқиф қилиш, дин ва дунё ишларини бирга олиб боришга сафарбар қилиш ҳам уларнинг вазифаларига киради.

Энди бир-икки оғиз амирлар ва вазирлар одоби ҳақида. Амирлар давлат ишини юргизишда қуйидаги ўн икки қоидага риоя қилишлари керак.

Аввало, Худога бандалик шартларини адо этиш бўлиб, Ҳақнинг розилигини ҳаммадан устун тутсин.

Иккинчидан, подшони валинеъмат деб билиб, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, бу ишда хатога йўл қўймаслик ва эътибору эътимодни заррача сусайтирмаслик лозим. Подшонинг танбеҳларини кўнглига олмасдан, аччиғини ширин деб қабул қилсин.

Учинчидан, амирнинг нияти подшо ва давлат манфаатига қаратилган бўлсин, молу мулк, давлату бойликка муносабатда ҳам шу ният етакчилик қилсин. Зинҳор ўз нафсини ўйлаб иш қилмасин.

Бешинчидан, ҳеч қачон подшога тақлид қилмасин, подшога муносиб нарсаларга ўзини муносиб деб билмасин, ўз ҳадду жодасини билиб юрсин. Олтинчидан, подшодан содир бўладиган ишлар ғайри шаръий бўлмаса, уларни мақтаб тилга олсин ва подшони руҳлантирсин.

Оқиллар дебдурларки, ҳар бир ишнинг икки томони бор: бири гўзал ва бири хунук. Шундай экан, амирлар ишларнинг яхши, гўзал томонларини таъкидласинлар, агар ишнинг қабиҳ томони кўрина бошласа, подшога донишмандона йўл топиб тушунтирсинлар ва қайтарсинлар.

Еттинчидан, подшо амирни танқид қилиб сўз айтса ва амир табиатига зид фикрлар баён этганда ҳам амир буни қабул қилмоғи ва эътироз билдирмаслиги лозим. Чунки амир шохнинг чоқаридир, чоқар хожага эътироз билдирмайди.

Сакқизинчидан, ўз мансаби ва шохга яқинлигидан мағрурланиб кетмасин, подшонинг иззатидан талтаймасин. Ибни Муқаффаъ "Одобнома"сида зикр этиладики, агар мабодо султон сени ўзига баробар деб билса ҳам, сен уни ўз хўжанг деб ҳисобла ва агар сени фарзандим деса ҳам, сен ўзингни ходим, хизматкор деб бил, у қанчалик сени кўтарса, сен шунча тавозуъ ва хоксорликда бўл:

Подшоҳ бандага лутф қилгани яхши,

Лек банда ҳаддини билгани яхши.

Тўққизинчидан, кўшин ишининг тартиб ва тарбияси амирга боғлиқ бўлгани учун амир подшо кўшинини ҳар доим ораста ва тайёр ҳолатда сақласин, ҳар бир сипоҳий ўзини ҳарбу зарбга тайёр деб ҳис этсин. Зеро, олам ҳодисаларга тўла, нохуш воқеа ва фитна қайси тарафдан зоҳир бўлишини олдиндан билиш қийин. Аскарни жамлаш ва керакли нарсалар билан таъминлаш амирнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Ўнинчидан, давлат барқарорлиги, мамлакат осойишталигини таъминлаш мақсадида хабар етказувчилар ва жосуслар сақласин, улар атроф-жавонибда бўладиган воқеалардан уни хабардор қилиб турсинлар. Ҳар ердаки фитна пайдо бўлса, уни баргараф қилиш чора-тадбирини кўрсин. Ҳикоя қиладиларки, Соҳиб ибн Ибод Фахруддавлаҳ Дайлабийнинг мулозими эди, кўп вақтини Шерозда ўтказарди. Нима бўлди-ю, уч кун подшо ҳузурига кирмай қўйди, тўртинчи кун борганида подшо сўради: нега тартибга ҳилоф равишда уч кун ҳузуримга келмадинг?

Соҳиб ибн Ибод деди: "Уч кун аввал бизнинг хабар етказувчимиз Хитойдан етиб келди ва дедикки, Хитой хони ўзининг фаррошхонасига бораётганда, давлат арконларидан бири билан сўзлашарди. Уч кундирки, Хитой хони нима деган экан, деган фикр билан банд бўлдим ва эҳтиётан лашкарни кўздан кечириб, тайёргарлигини текширдим, чора-тадбирлар қилдим. Охири бугун тонгда бошқа бир хабарчи етиб келиб, Хитой хони қўшинини тайёрлаб, ўз мамлакатининг узоқ бошқа гўшасига юбораётганини айтди. Шундан сўнг хотиржам бўлиб, ҳузурингизга келдим".

Ўн биринчидан, фақир ва ночорлар, зулм кўрганлар подшо ҳузурига арз билан келсалар, орада воситачилик қилиб, арзчиларнинг додини подшога етказсин. Баъзи амирлар раият дилига қўркув солиб, саройга яқинлаштирмайдилар. Бу ҳудди ичида тимсоҳ ётган ариққа ўхшайди, одамлар чанқоқ бўлсаларда, бироқ тимсоҳдан кўрқиб, ариқдаги сувга яқинлашолмайдилар.

Агар амал-мансаб эгасидирсан,

Шундай қилки, халойиқ рози бўлсин.

Ўн иккинчидан, қўл остидагиларга мулойимлик ва раҳмдиллик билан муомалада бўлсин, ўзини улар ўрнига қўйиб кўрсин. Ҳадис борки: "Кимки ўзгаларга раҳм қилмаса, Худонинг раҳматига етолмайди. Кимки халққа кечиримли бўлмаса, уни кечирмайдилар". Ўзингдан пастда турганларни раҳм қилиб, кечирсанг, саховат кўрсатсанг, сендан юқори турганларнинг бахшойишига муяссар бўласан.

Вазирлар одоби давлат арконлари ичида энг эътиборлидир, чунки подшо даргоҳида вазирликдан оғирроқ иш йўқ. Негаки, вазирга ҳасад қилувчилар кўп ва улар аксар сарой мулозимларидирлар. Хусусан, у билан иш юзасидан мулоқотда

бўладиган, бирга юрадиган, суҳбатдошлик қиладиган кишилар, афсуски, мансаб тамаъида, хирсу ҳасад комига тушиб, доимо ғийбат ва тухмат тўрини тўқийдилар, уни домга тушириб, банди қилиш учун хийла-найранглар ишлатадилар. Бундай шароитда вазир уста тадбиркор, тамаъни рад этадиган тўғрилиқни шиор қилиб ишлаши лозим. Ғанимлар айб топмаслиги учун одоб чегарасидан чиқмаслиги, заковатли бўлиши талаб қилинади. Улуғ донишмандлар дебдурлар-ки, ўз вазифасини ҳалолпоқ бажарган кишига айб изловчилар даҳл қилолмайдилар.

Бузургмехрдан вазирликка ким лойиқ, деб сўрадилар. Деди: "Кимда-ки тўрт ва уч ва икки ва бир нарса бўлса". Дедиларким, тушунтириб айт! Деди: "Тўрт нарса - бу: хушёрлик, бедорлик, диловарлик (жасоратли бўлиш), жавонмардлик. Уч нарса - бу: хизматкор ишни яхши бажарса, рағбатлантириш, макташ; фармонидан бош тортганларни жазолаш ва ҳаётда бўладиган воқеа-ҳодисаларга тайёр туриш. Икки нарса деганим, бу подшо манфаатини ўйлаб иш қилиш ва раият манфаатини ҳам унутмаслик. Ул бирки дедим, бу : барча ишларда Ҳақ субҳонаҳуни эсдан чиқармасин".

Демак, ростлик ва поклик сифатлари билан безанган вазир адолат устунларини тиклашда подшога энг яқин мададкордир.

Шу билан бирга, вазирликнинг яна ўн тўққизта шарти борки, бу юкни елкасига олган одам шуларга эътибор қилиши керак бўлади.

Биринчидан, ҳамма ерда, ҳамма ишда Ҳақ таоло томонида туриб иш кўриш, ўз аҳволи ҳақида доим мулоҳазада бўлиб, ношоиста, нолойиқ ишлардан ўзини четга олиш.

Иккинчидан, шох, сипоҳ ва раият орасида муносабат (мувофиқлик)ни сақласин, бирор тарафга майлни кучайгирса, бошқа тарафга нисбатан адолатсизлик келиб чиқади. Бу вазирлик ишининг энг мушкул томонидир.

Учинчидан, ҳар бир ишни бошлаганда оқибатини чуқур ўйласин, токи пушаймонлик ҳосил бўлиб, бармоғини тишлаб қолмасин.

Тўртинчидан, ҳар доим яхшилиқни ният қилиб, яхшилиқ қондасига амал қилсин. Ҳадис борки: "Кимки яхши одатларни яхшилиқ йўлида қилса, унинг мукофоти бўлади, ҳар кимнинг мукофоти унинг амалига лойиқдир".

Бешинчидан, давлат бошқарувида салоҳият кўрсатсин, ўз вазифасининг муҳимлигини исботлаб турсин, қаламнинг кучи қиличнинг кучидан устунлигини амалда кўрсатсин.

Олтинчидан, подшолар хоҳиши тоғдан кўчган сел кабидир, уни тўсаман деган ҳалок бўлади, аммо тадбир қўллаб бу селни зарарсиз томонга йўллаш мумкин, вазир ҳам ақлу заковат ва ўта эҳтиёткорлик билан подшонинг нодуруст хоҳишларини қайтаришга уринсин.

Еттинчидан, мансаб-мартаба билан подшога яқинликдан мағрур бўлмасин. Чунки султонлар феъли сув ва олов каби зиддиятлидир, сийлаб туриб, бирдан ёндириб, йўқ қилиши мумкин.

Саккизинчидан, фурсат - имкон борида эҳсон ва саҳоват қилсин.

Тўққизинчидан, муҳтожлар ҳожатини чиқаришда жидду жаҳд билан интилсин, зеро, подшога мулозим бўлишдан мақсад раият ҳожатини чиқаришдир.

Ўнинчидан, султонни хайрли ишларни амалга оширишга ундаш лозим. Шундай йўл тутсинки, султоннинг хайру саҳовати барчага етсин.

Ўн биринчидан, одамлар кўнглини оғритмасдан, дўстларни унутмасдан, уларни хурсанд қилиб юриш пайида бўлсин, бировни таҳқирлаш, уялтиришни ўйламасин. Шунда амал қўлдан кетганда пушаймон бўлмагай.

Ўн иккинчидан, халқнинг унга яқинлашиши, одамлар тараддудидан дилгир бўлмасин, улар билан учрашганда қовогини солмасин. Шуни эсдан чиқармасинки, давлат ҳам, мулозиму аъёнлар ҳам халқ учундир.

Ўн учинчидан, атрофига холис дўстларни йиғсин, улар яқдил ва бир ёқадан бош чиқарадиган, оғир дамларда қўллайдиган кишилар бўлсин. "Мухлис ва холис дўст ганждан яхшироқ" деганлар.

Ўн тўртинчидан, хоин ва золимлар аъмолидан ғофил бўлмасин, уларнинг аҳволи, ишларидан мунтазам хабардор бўлиб турсин. Золимлар, нобакорларни фош этиб, жазолашни унутмасин.

Ўн бешинчидан, амалдорлардан пора олмасин, зеро, ришва (пора) берган одам ришва олиши муқаррар. Ришва ҳаромдир, ҳаромхўр бўлма.

Ўн олтинчидан, агар фасод келтирувчи хийлагар, ғаммоз, ғийбатчилар ишидан воқиф бўлса, сабр қилсин, дарров ташқарига чиқармасдан, хотиржам ҳолда подшо мажлисида уларни оҳиста ва мулойимлик билан фош этсин, ғазабга берилса,

душман фойдаланади, ғалаба оҳисталик ва ҳалимлик билан фикр юритган одам тарафидадир.

Ўн еттинчидан, ўзини шоҳга шундай кўрсатсинки, агар шоҳ бир сўз айтса ёки ишора қилса, бутун молу мулки, ўзлигини шоҳга багишлашга тайёр бўлиб турсин.

Ўн саккизинчидан, бировга амал-мансаб берадиган бўлса, уни аввал обдон синасин, ҳар томонлама текшириб кўрсин, чунки одамлар айбларини яширадилар, мансабга чиққандан кейин эса бу айблар ошкор бўлиб қолади.

Ўн тўққизинчидан, бошланиши осон кўриниб, аммо кейин қутулиш қийин бўлган юмушга киришмагани маъқул.

Вазир, амирлар қўлида ишлайдиган котиблар, умуман, қалам аҳлининг ҳам одоби бор. Қалам аҳли орасида дабирлар – подшо котиблари ва иншо девони (канцелярия) ходимлари алоҳида мавқега эга. Улар барча ишдан хабардор бўлгани учун ниҳоятда сир сақлайдиган, ишининг устаси, пишиқ, чиройли ва саводли ёзадиган кишилар бўлиши лозим. Арастудан подшонинг ҳожиби (эшик оғаси) яхшими ёки котиби яхшими, деб сўраганларида, ҳаким дебдурким: "Ҳожиб подшоликнинг бир бўлаги бўлса, котиб унинг бутункуллидир". Агар латиф таъбли дабир топилса, у давлат ишларига кўп фойда келтиради. Вазир қўли остида ишлайдиган амалдорлар ҳам муҳим ишларни бажарадилар, улар хушхулқ, нафсини тийган, ҳирсу тамаъдан узоқ бўлиши лозим. Нўшировон дедики, амалдор ҳам қўли боғланган, ҳам қўли очик бўлгани маъқул, яъни яхшиликка қўли очик бўлиб, хиёнатдан қўл тортсин. Яна амалдор ножўя расм-русумларни жорий этмасин, ўзича конун чиқармасин, шундай қилса, подшоҳни бадном қилган бўлади».

Подшо мажлисларида ўтирадиган надимлар қоида-тартибдан чиқмасдан, адаб ва ҳурмат доирасида туришлари лозим.

Барчага илму адаб лозимдир,

Одоби бор яхши мулозимдир.

Адаб мулку молингдан ҳам афзал,

Адаб инсонни қилур мукамал.

Айтилганлар давлат ходимлари ахлоқи ва аъмолига сифат бўладиган қоида-талаблардир. Қолгани ҳар бир инсоннинг Худо берган ақлу заковати, тарбия ва наслу насаби тозалигига боғлиқ, дейди асар муаллифи.

Хусайн Воиз Кошифий мавжуд қарашларни жамлаб, бир тизимга келтириш билан бирга, ўз кузатишларини қўшиб баён этган. Натижада "Ахлоқи Муҳсиний" асари давлатчилик назарияси, давлат ходимлари тарбияси бўйича муҳим дастур шаклини олган. Асар ана шу жиҳати билан ҳам қимматлидир.

## Умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар

Битирув малакавий иши баёнидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: 1) мустақиллик туфайли бой ўтмишимизни, тарихий ва маънавий қадриятларимизни ўрганишга кенг имкониятлар яратилди; 2) аждодларимизнинг ижтимоий сиёсий фикр ривожига қўшган хиссаларини ўрганиш мустақиллик маданияти ва маънавиятини шакллантириш, жамиятимиз аъзолари онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда ўтмишдан кўп сабоқлар олиш мумкинлигини, бу сабоқлар келажак учун, шубҳасиз фойдали эканлигини кўрсатади; 3) Абу Наср Форобий инсоният жамияти, унинг келиб чиқиши, бошқариш усуллари ва воситалари ҳақидаги ўз устозларининг ҳояларига, илғор назарий меросга таяниб, ўзининг ҳаётий кузатишлари ва мулоҳазалари асосида жамият ва давлатнинг турларини, кўринишларини, давлат ва жамият келиб чиқишининг асосий сабабларини, жамиятда кишиларнинг жамоа бўлиб яшаш қонунларини баён этган; 4) Абу Райхон Беруний табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига бўйсунуши, яратувчанлик онгига эга бўлиши, айниқса деҳқонлар тўғрисида кўпроқ ғам ейиши лозим. Беруний «одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборат»<sup>1</sup> деган фикрлари бугунги кун учун ҳам қимматлидир; 5) Ибн Синонинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги таълимотида адолат, тинчлик, яхшилик ва ҳамдўстлик ҳукмрон бўлган идеал давлат ҳақидаги ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. Унинг фикрича: а) бу давлат тепасида маърифатпарвар шох туради; б) жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланадилар. Меҳнат қила олмайдиганлар ва бетоблар жамият жамғармасидан ёрдам оладилар. Бу жамғарма солиқлар ва хайр-эҳсонлардан ташкил топади; в) аҳоли маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар (ҳукмдорлар), ишлаб чиқарувчилар (меҳнаткашлар) ва ҳарбийлар (жангчилар) даниборат уч табақага бўйсунди; г) барча моддий бойликлар тенг тақсимланади ва мисли кўрилмаган катта бойлик ҳам, қашшоқлик ҳам бўлмайди; д) ҳамма одамлар ҳалол меҳнат ва савдо билан шуғулланганлиги туфайли урушлар бўлмайди, давлатлар ўртасидаги муносабатлар тинч йўл билан ҳал этилади; е) одамлар жамиятдаги тартиблар ва тегишли тарбия воситасида ўзларининг ахлоқий

<sup>1</sup> Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). -Т.: «Халқ мероси», 2001, 109-бет.

табиатларини ўзгартирадилар ва узоқ умр кўрадилар, одамларнинг бир-бирига зид ҳаракатлари барҳам топади; 6) IX-XII асрларда яшаб ижод этган, маданий «уйғониш» ютуқларини мужассамлаштирган буюк алломалар ўзларининг маҳсулдор ижодлари, бой илмий мерослари билан кейинги ижтимоий сиёсий фикр ривожига катта таъсир кўрсатдилар. Қомусий илм соҳиби бўлган бу алломаларнинг асарлари XII асрдан бошлаб лотин тилига, кейинчалик дунё халқларининг турли тилларига таржима қилинди ва илм-фан хазинасига бебаҳо хисса бўлиб қўшилди; 7) Қандай бўлмасин, жамият ва давлатни бошқаришда инсонийлик, инсонпарварлик тамойилларига таянишга даъват - Низомулмулк ижодидаги олижаноб жиҳатдир; 8) Халқ, одамлар, амалдорларнинг қандай сифатларни ўзида шакллантириши ёки улуғлаши подшоҳ (султон)даги фазилатларга бевосита боғлиқдир. «Халқни ўз кетидан эргашишга мажбур қилиш мумкин, лекин у нима учун мажбур қилинаётганини билмаса, давлат учун ёмондир». «Хукмдор ўз ахлоқини тузатмаса, у кичик одам, халқ ахлоқини ҳам тузатолмайди», "бадахлоқлик охир-оқибатда давлатни, бошқарувни таназзулга олиб келади..." Бундай сиёсий қарашлар Низомулмулк асарининг мақсадини ифода қилади; 9) Кайковус дунёдаги мавжудотни бир-бири билан боғлиқ ва муросасиз деб талқин қилади. У киши руҳиятини ҳам 2 гуруҳга бўлади: жисмоний сезгини модда, руҳий ҳиссиётни эса «жон» билан боғлайди ва буларнинг бирини моддий, иккинчисини руҳий ҳаёт маҳсули деб кўрсатади. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарсалар яралиши ва моҳият эътибори бн илоҳийдир. Зеро, инсон Аллоҳни танимоқ учун авваламбор ўзини билмоғи, яъни «созга қараб созандани танимоғи лозим», дейди. Бу каби масалалар китобда ихчам ҳикоятлар, ривоятлар, шеър ва латифалар, мақол ва ҳикматлар ёрдамида баён қилинади; 10) Юсуф Хос Хожиб раҳбар танлашда тил ва муомалани билимдан кейинги ўринга қўяди. Чунки давлат бошқарувида билим ва ақл-заковат қанчалик аҳамиятли бўлса, муомала маданияти ҳам шунчалик муҳим. Унинг таъкидлашича, давлат бошқарувида муайян даражада муваффақиятга эришмоқ учун раҳбар амалда ҳам сўзда ҳам эзгуликка интилиши лозим. Сўзи ва амали бир-бирига зид бўлган раҳбар эл назаридан қолади. Оқибатда мамлакатда парокандалик келиб чиқади давлат таназзулга учрайди. Асарда раҳбарга хос бўлган бошқа хусусиятлар ва улар келтирадиган фойдаларга ҳам тўхталиб ўтилади; 11) Шарқ, хусусан, Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий

тафаккурининг ривожланишида улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалга оширган ички ва ташқи сиёсат мислсиз аҳамиятга эга. Амир Темур ғояларининг ўзига хос улуғворлиги шундаки, улар ҳаёлий эмас, балки реал ҳаётдан келиб чиққан ва унда ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу ғоялар ҳали ҳам ўзининг амалий, ҳаётий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Амир Темурнинг йирик давлат арбоби, ўрта аср ислохотчиси, жасур адолатпеша, фан ва маданият ҳомийси сифатида сиймоси ҳар турли мафкуравий таассуротларга, камситилган ва адолатсиз баҳоларга қарамай, асрлар оша яшаб келди»; 12) Алишер Навоий адолат, инсон қадри, мамлакат ва шахс манфаатларини яқдиллаштирувчи халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари сингдирилган асарлари муносиб маънавий мерос бўла олишини, бу ғоялар ҳамиша ўзликни англашга рағбатлантира олишини чуқур англаган шундай буюк мақсад билан ижод қилган Навоий таълимоти миллатни ва халқни ўзи орзу қилган ғоялар теварагида жипслаштириб турувчи бекиёс хазина эканлиги миллатни – миллат, халқни – халқ этишга етакловчи миллий ғоянинг тарихий ривожланиш жараёнлари ўрганилганда янада яққолроқ намоён бўлади; 13) Ҳусайн Воиз Кошифий мавжуд қарашларни жамлаб, бир тизимга келтириш билан бирга, ўз кузатишларини қўшиб баён этган. Натижада "Ахлоқи Муҳсиний" асари давлатчилик назарияси, давлат ходимлари тарбияси бўйича муҳим дастур шаклини олган. Асар ана шу жиҳати билан ҳам қимматлидир; 14) X-XV асрларда яшаган буюк алломаларимиз жамият ҳаётини тадқиқ этиш асосида жамият, давлат ва ижтимоий – сиёсий муносабатлар масалаларига катта эътибор берганлар ва шу асосда ижтимоий – сиёсий фикр ривожига улкан ҳисса қўшганлар; 15) уларнинг асарларида адолатли ва маърифатли ҳукмдор, инсоний муносабатлар, аҳиллик, ҳамкорлик, ақл қудрати каби масалалар марказий ўринни эгаллаган; 16) биз ҳозир идрок этаётган миллий ўзликни англаш, мустақиллик, миллий истиқлол ғояларининг илдизи ушбу мутафаккирларимиз даҳосига бориб тақалади.

Шуларга кўра буюк алломаларимизнинг ижтимоий – сиёсий фикр тараққиётига, жумладан, сиёсий етакчиликка доир ғоялар ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш, тарғиб қилиш, асарларини излаб топиш ва нашр этиш

ўтмиш тарихимизни, бой маданий – маънавий меросимиз ва сиёсий қадриятларимизни чуқур билиш ва идрок этишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, 1X- XV асрларда Марказий Осиёда ижтимоий – сиёсий фикр бошқа ҳудудларга нисбатан тез ривожланди ва бу юксалиш дунё цивилизациясининг муҳим бўғинини ташкил этди. Кўплаб мутафаккирларимиз унинг ютуқларини мужассамлаштириб, кейинги ижтимоий – сиёсий тафаккур тараққиётига катта таъсир кўрсатдилар.

Марказий Осиё тарихида бундай мутафаккирлар юзлаб топилади. Уларнинг фаолияти ва асарларини ўрганиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан. У мустақиллик шароитида ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг етакчи омили бўлиб хизмат қилади.

Бу борадаги ишларини янада кучайтириш учун қуйидагиларни тақлиф қиламиз; 1) Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий – сиёсий таълимотларини ўрганишга эътиборни янада кучайтириш, бу ишга турли ижтимоий фан вакилларини фаол жалб этиш; 2) сиёсий етакчиликка доир масалаларни ўрганишда фикрлар хилма – хиллигига кенг йўл очиш, озми – кўпми учраб турадиган коммунистик мафкура сарқитлари таъсирига барҳам бериш; 3) Марказий Осиёдаги ижтимоий – сиёсий тафаккур тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга эътиборни кучайтириш; 4) олий ўқув юртларининг гуманитар таълим йўналишларида Марказий Осиё мутафаккирларининг дунё ижтимоий – сиёсий тафаккури ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш бўйича махсус курс ва махсус семинарлар ташкил этиш; 5) улуғ алломаларимизнинг бой маънавий – маданий, ижтимоий – сиёсий меросини ўрганишда хорижий мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш; 6) ўтмишимиздаги ижтимоий – сиёсий ғояларни ўрганишни рағбатлантирувчи танловлар, кўриклар ўтказишга эътиборни кучайтириш.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши тарихимизни, бой сиёсий қадриятларимиз ва меросимизни ўрганишга бўлган қизиқиш ва эътиборни янада кучайтириш, бу борадаги салоҳиятимизни ортишига олиб келади. Зеро, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. «Ўзбекистон», 1998, 5-бет.

### Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд.-Т.: «Ўзбекистон» 1996
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Асарлар, 7-жилд, -Т.: «Ўзбекистон», 1999
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь)-Т.: «Ўзбекистон», 2010
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: «Ўзбекистон», 1998
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: «Ўзбекистон», 1998
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон»,1997
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч., «Маънавият», -Т., 2008
11. Абу Наср Фаробий. Рисолалар.-Т.: «Фан», 1975
12. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.:»Халқ мероси», 1993
13. Абу Наср Фаробий. «Фозил одамлар шаҳри», -Т.: «Халқ мероси», 1993
14. Алишер Навоий. «Муҳокаматул луғатайн». Мукаммал асарлар тўплами. -Т.: «Фан», 2000
15. Алишер Навоий. «Садди Искандарий», Мукаммал асарлар тўплами, -Т.: «Фан», 1991
16. Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. Мукаммал асарлар тўплами. -Т.: «Фан», 2000
17. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Мукаммал асарлар мажмуаси. -Т.: «Фан»,1991
18. Амир Темур жаҳон тарихида. -Т.: 1996

19. Амир Темур жаҳон тарихида. -Т.: 1996
20. Амир Темур ўғитлари, тузувчилар Б.Аҳмедов, А.Аминов. –Т., Наврўз, 1992
21. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар), 1-китоб.-Т.:»Халқ мероси», 1995
22. Буюк сиймолар, алломалар, 1-китоб, -Т.: «Халқ мероси», 1995
23. Жўрақулов Ф. Жаҳон фанида Беруний томонидан ҳинд фалсафасини ёритишнинг баҳоланиши масалалари. «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2005, 4-сон
24. Кайковус. Қобуснома. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов. –Т.: «O'qituvchi» НМИУ, 2006
25. Маънавият юлдузлари(Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). -Т.: «Халқ мероси»,2001
26. Мухитдинова Ф., Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи., Ўқув қўлланма, -Т., ТДЮИ, 2006
27. Наршахий. Бухоро тарихи. -Т.: «Фан», 1966
28. Низомулмулк., Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк., (форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳид Хусайинзода, А.Эркинов) – Т.: Адолат, 1997
29. Нишонова Н., Амир Темур давлати сиёсатида Сароймулкхонимнинг ўрни. «Жамият ва бошқарув», 2010 йил, 2-сон
30. Очилова Г., Соҳибқироннинг ижтимоий сиёсий қарашлари. «Жамият ва бошқарув», 2008 йил, 1-сон
31. Очилов Э. «Қутадғу билиг». Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005
32. Пўлатов Х., Сулаймонов Қ. Сиёсатшуносликка кириш.-Ф.:1994.
33. Сотволдиев С. «Сиёсатнома»да давлат бошқаруви қоидалари. «Жамият ва бошқарув» журнали. 2010 йил, 4-сон
34. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб. -Т.: «Ўзбекистон», 1997
35. Султонмурод Олим. Янги аср таълимоти. «Тафаккур», 2001, 1-сон
36. Темур тузуклари. -Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти»,1996
37. Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. -Т.: «Янги аср авлоди»,2006
38. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. -Т.: «Маънавият», 2002

39. Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу билиг. -Т.: «Фан», 1971
40. Ўлжаев Ш. Раҳбар кадрларни тайёрлашда Амир Темур меросидан фойдаланиш. «Жамият ва бошқарув», 2009 йил, 2-сон
41. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2000
42. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2003
43. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003
44. Қиличев А., Амир Темурнинг давлат бошқаруви. «Жамият ва бошқарув», 2009 йил, 1-сон
45. Қодиров Б., Мирзо Улуғбек Байт-ул Ҳикмаси. «Жамият ва бошқарув», 2008 йил, 1-сон
46. Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.: 2001
47. Гофуров Б., Бобур меросига қизиқиш ортмоқда. «Жамият ва бошқарув», 2007 йил, 4-сон
48. Ҳабиб Абдуназар. «Қобуснома». Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005
49. Ҳайитов З., Соҳибқиронни англаш. «Жамият ва бошқарув», 2009 йил, 1-сон
50. Ҳайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1971
51. Ҳайруллаев М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт (Уйғониш даври маданияти)., «Фан», -Т.: 1994
52. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. -Т.: «Ўқитувчи», 1993
53. Shasiddinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. 1-kitob. –Т.: «Sharq», 2010
54. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

Мавзу: Уйғониш даври Марказий Осиё мутафаккирларининг сиёсий етакчилик  
тўғрисидаги қарашлари

Режа:

Кириш

I боб. IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий таълимотларда сиёсий етакчиликка доир қарашлар

1.1. Абу Наср Форобийнинг жамият, уни бошқариш ва давлат раҳбари ҳақидаги қарашлари

1.2. Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг жамият, давлат ҳамда ижтимоий сиёсий муносабатлар назариясига қўшган ҳиссаси

1.3. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида давлат бошқаруви ва сиёсий етакчиликка доир қарашлари

II боб. XIV-XV асрларда жамият ва давлатни бошқариш илмининг ривожланиши

2.1. Амир Темурнинг давлатни бошқариш таълимоти

2.2. Алишер Навоий асарларида маърифатли, одил ҳукмдор ғоясининг олға сурилиши

2.3. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» («Яхши хулқлар») асарида амир, вазирларнинг ақлу фаросати, ўзини тутиши тўғрисидаги фикрлар

Умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

**ҚДШИнинг тарих факультети тарих йўналиши IV босқич «Н» гуруҳ талабаси  
Юнусалиева Иноятнинг «Уйғониш даври Марказий Осиё  
мутафаккирларининг сиёсий етакчилик тўғрисидаги қарашлари» мавзусида  
тайёрлаган битирув малакавий ишига  
илмий раҳбар хулосаси**

И.Юнусалиеванинг битирув малакавий иши ўта долзарб мавзуга бағишланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ишнинг тузилиши фалсафий мантикий жиҳатдан талабга жавоб беради. Уйғониш даври Марказий Осиё мутафаккирларининг сиёсий етакчилик тўғрисидаги қарашлари манбаларга асосланиб, жуда яхши очиб берилган.

БМИ кириш, иккита боб, умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, шаклан ва мазмунан ўз ниҳоясига етган. Унинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқот предмети, объекти, мақсад ва вазифалари очиб берилганлиги ишнинг катта ютуғи бўлган.

БМИнинг I боби «IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий таълимотларда сиёсий етакчиликка доир қарашлар» деб номланиб, ушбу масала учта фаслга ажратиб ёритиб берилган. Бобнинг биринчи фасли «Абу Наср Форобийнинг жамият, уни бошқариш ва давлат раҳбари ҳақидаги қарашлари»га бағишланган бўлса, иккинчи фаслида «Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг жамият, давлат ҳамда ижтимоий сиёсий муносабатлар назариясига кўшган ҳиссаси»тўғрисида сўз юритилади, учинчи фаслида «Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида давлат бошқаруви ва сиёсий етакчиликка доир қарашлари»га доир илмий адабиётлар, манбалар, вақтли матбуот нашрлари асосидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ишнинг II боби «XIV-XV асрларда жамият ва давлатни бошқариш илмининг ривожланиши» деб номланади. Мазкур боб ҳам учта фаслдан иборат бўлиб, биринчи фаслида «Амир Темурнинг давлатни бошқариш таълимоти» тўғрисида тўхталинган бўлса, иккинчи фасли «Алишер Навоий асарларида маърифатли, одил ҳукмдор ғоясининг олға сурилиши»га бағишланган, учинчи фаслида «Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» («Яхши хулқлар») асарида амир, вазирларнинг ақлу фаросати, ўзини тутиши тўғрисидаги фикрлар» юзасидан бой таҳлилий материаллар берилиб тегишли хулосалар чиқарилган.

Ишнинг мавзуга доир бир қатор умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар берилганлиги талаба томонидан олиб борилган жиддий илмий тадқиқотнинг маҳсули десак тўғри бўлар эди. Шу билан бирга БМИ матнида баъзи бир жузъий орфографик камчиликлар ҳам мавжуд.

Бироқ ушбу ҳолат БМИнинг умумий ҳолатига салбий таъсир ўтказмайди.

Хулоса қилиб айтганда, БМИ мавзу ва режаларда келтирилган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини қамраб олган бўлиб, унда келтирилган мавзуга оид фикрлар ва қарашлар илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи БМИни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги 255-сонли буйруғи билан тасдиқланган янги таҳрирдаги талаблар даражасида тайёрлаган. БМИни тугалланган деб ҳисоблаб, ижобий баҳолаган ҳолда ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Илмий раҳбар:

ўқитувчи Б.Б.Абдуллаев

**ҚДШИнинг тарих факультети тарих йўналиши IV босқич «Н» гуруҳ талабаси  
Юнусалиева Иноятнинг «Уйғониш даври Марказий Осиё  
мутафаккирларининг сиёсий етакчилик тўғрисидаги қарашлари» мавзусида  
тайёрлаган битирув малакавий ишига  
тақриз**

И.Юнусалиеванинг битирув малакавий иши бугунги кун учун долзарб мавзуга бағишланган. Ишнинг тузилиши БМИни расмийлаштириш талабларига жавоб беради. БМИда Уйғониш даври Марказий Осиё мутафаккирларининг сиёсий етакчилик тўғрисидаги қарашлари манбаларга асосланиб, жуда яхши очиб берилган.

БМИ кириш, иккита боб, умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, шаклан ва мазмунан ўз ниҳоясига етган.

БМИнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқот предмети, объекти, мақсад ва вазифалари очиб берилган.

БМИнинг I боби «IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий таълимотларда сиёсий етакчиликка доир қарашлар» деб номланиб, ушбу масала учта фаслга ажратиб ёритиб берилган. Бобнинг биринчи фасли «Абу Наср Форобийнинг жамият, уни бошқариш ва давлат раҳбари ҳақидаги қарашлари»га бағишланган бўлса, иккинчи фаслида «Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг жамият, давлат ҳамда ижтимоий сиёсий муносабатлар назариясига кўшган ҳиссаси»тўғрисида сўз юритилади, учинчи фаслида «Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида давлат бошқаруви ва сиёсий етакчиликка доир қарашлари»га доир илмий адабиётлар, манбалар, вақтли матбуот нашрлари асосидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ишнинг II боби «XIV-XV асрларда жамият ва давлатни бошқариш илмининг ривожланиши» деб номланади. Мазкур боб ҳам учта фаслдан иборат бўлиб, биринчи фаслида «Амир Темурнинг давлатни бошқариш таълимоти» тўғрисида тўхталинган бўлса, иккинчи фасли «Алишер Навоий асарларида маърифатли, одил ҳукмдор ғоясининг олға сурилиши»га бағишланган, учинчи фаслида «Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» («Яхши хулқлар») асарида амир, вазирларнинг ақлу фаросати, ўзини тутиши тўғрисидаги фикрлар» юзасидан бой таҳлилий материаллар берилиб тегишли хулосалар чиқарилган.

Ишнинг мавзуга доир бир қатор умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар берилганлиги талабанинг жиддий илмий тадқиқот олиб борилганидан далолат беради. Шу билан бирга Мавзуни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидан унумли фойдаланилгани, айниқса диққатга сазовор.

Хулоса қилиб айтганда, БМИ кириш қисмида мавзуни ёритишга доир кўйилган мақсад ва вазифалар тўла амалга оширилган.

Тадқиқотчи БМИни ДАК талаблари даражасида тайёрлаган. БМИни тугалланган деб ҳисоблаб, ижобий баҳолаган ҳолда ҳимояга тавсия этаман.

Тақризчи:

Кўқон нефт ва газ саноати  
коллежи ижтимоий фанлар  
кафедраси ўқитувчиси  
М.Маҳмудов